



# Ashonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010-yil 4-noyabr № 131 (2856) payshanba



Ўзбекистонда спортга, жумладан, миллионлар ўйини — футболга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон андозаларига мос ҳолда қад ростлаётган спорт мажмуалари, уларда шуғулланаётган ёш авлодга қараб ҳавасимиз келади. Юртбошимизнинг «Буюк келажакни фақат соғлом авлодгина кура олади», деган пурмаъно сўзлари ислохотларнинг амалга оширилишида дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган қарорлар бу соҳада қилинаётган ишларнинг жадаллашувиغا замин яратмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни ривожлантиришни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда футболни ривожлантириш учун қўшимча шартшароитлар яратиш, аҳоли саломамлигини мустаҳкамлаш ва жисмоний маданиятини юксалтиришдаги ролини ошириш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар футбол федерацияларининг миллионлар ўйинини ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш масалаларидаги фаолиятини фаоллаштириш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилгани билан эътиборлидир.

Айни кунларда пойтахтимизнинг «Пахтакор» ва «Жар» стадионларида давом этаётган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати финал баҳсларида вакилларимиз келгуси йили Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатиға йўлланмани қўлга киритгани юқоридаги саяҳаракатлар натижасидир.

Икром ҲАСАНОВ  
олган сурат

## Нурафшон йўл

3-бет

Қардош туркман элида Махтумқули ижодини ўрганиш, ҳаётбахш гоёларини, қимматли пандномаларини тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани билан эътиборни тортади. Шоир «Беҳга дўст кўп, ёмонга йўқ кардош» деб ёзганди. Яратганга шукрки, ўзбек билан туркман асрлар давомида бир-бирига беҳ бўлиб, бир-бирига дўстлик қилиб, қариндошлик ришталарини мустаҳкамлаб келмоқда. Буни Ўзбекистонда яшайдиган туркман миллатига мансуб фуқаролар ҳаёти мисолида ҳам билса бўлади.

## Одамларга ҳаловат истаб...

4-бет

Машина Қашқадарё вилоятининг шимолий-шарқий тумани Миришқор ҳудудидан чиқиб, оқова сувлардан ҳосил бўлган Сечанқўл ҳавзасини ортда қолдирди. Ҳадемай конлар бошланади. Зеварда, Алан, Ўртабулоқ конлари кейин эса Кўкдумалоқ компрессор станцияси, у ёғи эса Туркменистон кенгликлариға уланиб кетади. Ниҳоят, машина Гирсан конига етиб келди. Конда бурғулаш-синов ишларини амалга ошираётган «Қашқадарёпармалаш ишлари» ОАЖнинг бурғулаш ишлари бўйича устаси Бойтўра Норқобилов вагончадан тушиб, уларға пешвоз чиқди. Вакиллар кондаги вазиятдан тўлиқ хабардор бўлгач, ишчиларнинг шароитлари билан қизиқишди.

## Ҳайвонлар ҳам меҳр истайди

7-бет

— Ойнаи жаҳон орқали эфирға узатиладиган «Ҳайвонот оламида» кўрсатувини севиб томоша қиламан, — дейди дугоналари билан боғда айланиб юрган ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултети талабаси Несибели Мамбетирзаева. — Унда ҳар бир ҳайвоннинг яшаш тарзи, иқлимға мослашиши, кўпайиши билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар бериб борилади. Шунга қарамай, мен уларни жонли кўришни хоҳлардим. Шу истак мени Тошкент ҳайвонот боғи сари етаклади. Халқимизнинг «Минг бор эшитгандан кўра, бир бора кўрган афзал» деган нақли жуда тўғри экан.

**Кўпни кўрган қарияларнинг айтишича, агар куз фаслида дарахтлар учидан барг тўкса, бу қишнинг совуқ келишидан дарак экан. Бу мутахассислар фикрига мос келади, яъни ёз фаслининг меъёридан ортиқ иссиқ бўлиши ҳам қишга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди.**

Нима бўлганда ҳам қишга пухта ҳозирлик кўриш, қутилмаган ва табиат ҳодисаларига шай туриш, халқимизнинг осойишта ҳаёт кечиршига хизмат қилади. Шунинг учун, доно халқимиз ибораси билан айтганда «Қиш гамини ёзда кўриш» лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика иқтисодиёт тармоқларини 2010-2011 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида «Водий-

иборат дастур тузилиб, унинг бажарилиши қаттиқ назорат остига олинди.

Газ қувурларини мукамал таъмирлаш бўйича

## Тайёргарликка кўп нарса боғлиқ...

газтаъминот» унитар корхонаси Андижон вилояти бўлими, шаҳар ва туман филиалларида тайёргарлик ишлари ниҳоясига етди.

Булоқбоши тумани тоғли худудлардан бири саналади. Демак, қиш ҳам шунга яраша бўлади. Туман газ филиали ходимлари томонидан ўн тўққизта банддан

«Майариқ», «Дўлана», «Ширмонбулоқ», «Қақир» маҳалла фуқаролик йиғинларида 2,1 км. қувурлар таъмирланди. 307 та газ тақсимлаш қурилмалари техник тафтишдан ўтказилди. Ер ости қувурларининг 20 километри махсус асбоблар ёрдамида текширилди. Дастур режалари 100 фоизга бажарилди.

## Тараддуд

— Қиш мавсумида табиий газ етарли бўлмаслиги ва захира ёқилги жамғариш тўғрисида 37 та маҳалла фуқаролар йиғини огоҳлантирилди, — дейди филиал бош муҳандиси Ҳ.Ғозиев. — Ҳар ҳолда биргина табиий газга ишониб ўтирмасдан, кўмир ва ўтин жамғариб қўйиш ҳам лозим.

Ҳаво ҳароратининг кундан-кун совиб бориши инobatга олиниб, ижтимоий аҳамиятига қараб, улгуржи истеъмолчилар тармоқдан узиб қўйилди ҳам.

Бу ёғи қиш фаслининг қандай келишига боғлиқ.

**Абдулхай ЮНУСОВ,**  
«Ishonch» мухбири

## Навоий

### ВИЛОЯТИДА

## Тадбиркор — элга мададкор

**Навоий шаҳридаги маданият ва санъат коллежида вилоят ҳокимлиги, «Микрокредитбанк» ОАТБ ҳамда вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида тадбир ташкил этилди.**

Тадбирда жорий йилнинг ўтган даврида «Микрокредитбанк» ОАТБ вилоят филиали томонидан 66 нафар касб-хунар коллежи ўқувчи ва битирувчисига тадбиркорлик билан шуғулланиши учун 126,4 млн. сўм микрокредитлар ажратилгани таъкидланди. Шунингдек, сўзга чиққанлар Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар, ёшларга имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши бўйича яратилаётган имкониятлар ва тавсиялар хусусида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг 73 нафар коллеж ўқувчисига банкнинг имтиёзли бошланғич сармоясидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди.

**Ф.ЁҚУБОВ**

## Баркамоллик йўлида

**«Ширин» маданият саройида «Янги авлод» Республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 355 нафар иқтидор эгаси 6 йўналиш бўйича беллашишди. Шу тариқа фестивалнинг сўнги босқичида иштирок этувчилар номи аниқланди. Ғолиблар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Р.САБУРОВ**

## Журналистлар ўқуви

**Фаргона шаҳрида Швейцария элчихонаси ҳамда Республика Адлия вазирлиги кўмагида Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан вилоятдаги оммавий ахборот воситалари ходимлари учун икки кунлик ўқув-семинари ташкил этилди.**

«Фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва бу борада оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш» дастури асосида ўтказилган ўқувлар аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, журналистларнинг ҳуқуқий мавзуда материаллар тайёрлашдаги кўникмаларини ривожлантириш ва жамоатчилик билан алоқа борасидаги билимларини кенгайтиришни кўзда тутди.

Тадбирда оммавий ахборот воситаларида сўз эркинлиги ва жамоа манфаатлари мутаносиблигини сақлаш каби долзарб масалалар атрофича муҳокама қилинди. Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси раиси ўринбосари Нигора Ғаппорова, Швейцария элчихонасининг консуланти Элеонора Файзуллаеванинг мавзуга доир маърузалари тингланди.

## Репродуктив саломатлик — давр талаби

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан Фаргона вилоят ҳокимлигида ўтказилган минтақавий илмий-амалий семинар ана шу масалага бағишланди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика «Репродуктив саломатлик маркази» раҳбарлари, Андижон, Наманган, Фаргона вилоятлари хотин-қизлар кўмиталари раислари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари қатнашдилар.**

Семинарда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган ютуқлар баробарида ечимини кутаётган қатор муаммоларга эътибор қаратилиб, фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишда вилоятларда йўл қўйилаётган камчиликлар кенг муҳокама қилинди. Аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, ёшларимизнинг соғлом турмуш тарзига мос ҳаёт кечиршига эришиш, жинсий тарбияга жиддий аҳамият бериш, бу борада оиланинг ролини ошириш, экологик маданиятни шакллантириш каби вазифалар ҳақида атрофича фикр юритилиб, «Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга бўлган зарурат асослаб берилди.

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**  
«Ishonch» мухбири

**Фаргона шаҳридаги «Автоойна» очик акциядорлик жамиятининг мамлакатимиз автомобилсозлик саноатида ўз ўрни бор.**

Замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари ўрнатилган корхонада 665 нафар ишчи меҳнат қилади. Маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган корхона конвейеридан йилига 200 минг комплект машина ойналари ишлаб чиқарилади.

**Суратда: «Автоойна» очик акциядорлик жамияти ишчиси Зафар Мадумаров.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)**  
олган сурат



## «Ishonch»га жавоб берадилар

## Муаммо ҳал этилди

Избоскан тумани Пойтуғ шаҳри «Олмазор» кўчасида истиқомат қилувчи Ш.Мавлонов иш ҳақи тўланиши ва банкдан АҚШ долларини ўзбек сўмига айирбошлаш борасида муаммога дуч келаётганлиги ҳақида тахририятга мурожаат қилган эди. Мазкур мурожаат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юборилгач, банк раисининг биринчи ўринбосари У.Мустафоев номидан қуйидаги жавоб хатини олдик:

«Аризада қайд этилган масала Марказий банкнинг Андижон вилояти бош бошқармаси ва АТ «Агробанк»нинг вилоят бошқармаси мутахассислари томонидан ўрганилди.

Шикоятчининг иш ҳақи тўловлари нақд пулда амалга оширилди ҳамда сўралган чет эл валютаси билан тўлиқ таъминланди. Шунингдек, Марказий банк томонидан хизмат кўрсатувчи тижорат банкига иш ҳақи тўловларини ўз вақтида тўланишини таъминлаш бўйича тегишли топшириқлар берилди».

## Эҳтиёт чоралар

### талофатнинг олдини олади

Охириги вақтларда жаҳоннинг кўпгина нуқталарида содир бўлган зилзила, сув тошқинлари каби табиий офатлар натижасида қанчадан-қанча инсонлар ҳаётдан бевақт кўз юмиб, давлат ва жамият мисли кўрилмаган даражада зиён кўрди. Шу боис заминимизда рўй бераётган турли иқлим ўзгаришлари, қутилмаган офатлар содир бўлишининг сабабларини аниқлашга ва ўрганишга эътибор тобора кучайиб бормоқда.

Яқинда Фавкулда вазиятлар вазирлигида бўлиб ўтган анжуман айнан ана шу масалаларга бағишланди. Президентимизнинг 1996 йил 4 мартдаги Фармони

асосида ташкил этилган Фавкулда вазиятлар вазирлигида мазкур йўналишда тинимсиз изланиш олиб борилмоқда. Мониторинг ва башоратлаш билан машғул ходимлар қутилмаган ҳодисаларнинг узоқ, ўрта ва қисқа мuddатли башоратларини тайёрлаб келишмоқда. Жумладан, ҳар йил декабр ойида келаси йилда юзага келиши мумкин бўлган табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавкулда вазиятларнинг узоқ мuddатли башорати ишлаб чиқилади.

«Ўзгидромет» маркази, Геология ва минерал ресурслари Давлат кўмитаси ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллари билан

## Анжуман

ҳамкорликда сув тошқинлари, сел оқимлари ва кўчки содир бўлиши мумкин бўлган худудлар атрофича ўрганилди. Хавф эҳтимоли мавжуд бўлган жойларда 65 та назорат-кузатув пости ташкил этилиб, зарурий алоқа воситалари билан таъминланди. Хавф эҳтимоли бўлган худудлар ҳақида уяли алоқа компаниялари орқали аҳолига 86 маротаба хабар юборилди.

Тадбир якунида «Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавкулда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш киритиш ҳақида ва унинг мазмун-моҳиятини фуқароларга кенг тарғиб этиш юзасидан йиғилганларга ахборот берилди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**  
«Ishonch» мухбири

# Нурафшон йўл



Маърифатпарвар олим, ёзувчи ва таржимон сифатида танилган Абдуғаффор Хон 1950 йилда Бухоро туманида туғилган. Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги университет)да таҳсил олган. 1974 йилдан бери шу даргоҳда ўқитувчи.

Абдуғаффор Хон педагогликни илм ва ижод, маънавий тарғибот ва таржимонлик ишлари билан омукташтириб, илмий ва бадиий изланиш натижаларини 20 дан ортқ китоб, 100 дан ортқ мақолаларида умумлаштирди. Унинг «Истеъдод жозибаси», «Комил инсон умиди», «Тагорнинг мангулик кўшиқлари», «Ҳамдard кўнгил изҳори», «Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти», «Комилликка даъват» номли бир қатор илмий рисола ва монографияларида жаҳон адабиётининг улкан намояндalari ҳамда миллий адабиётимиз вакиллари ижоди таҳлил қилинади. Яқиндагина унинг таржимасида босилган туркман мумтоз шоири Муллонафаснинг «Гўзалим» номли лирик тўплами (Тошкент, «Мухаррир» нашриёти, 2010) китобхонлар учун муносиб совға бўлди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси

1

Қардош туркман элида Махтумқули ижодини ўрганиш, ҳаётбахш ғояларини, қимматли пандномаларини тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани билан эътиборни тортади. Шоир «Беҳга дўст кўп, ёмонга йўқ қардош» деб ёзганди. Яратганга шукрки, ўзбек билан туркман асрлар давомида бир-бирига беҳ бўлиб, бир-бирига дўстлик қилиб, қариндошлик ришталарини мустаҳкамлаб келмоқда. Буни Ўзбекистонда яшайдиган туркман миллигига мансуб фуқаролар ҳаёти мисолида ҳам билса бўлади.

Қорақалпоғистон Республикасида, Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Навоий вилоятларида туркман халқи вакиллари билан таниқли сиёсатчи, олим, санъаткор, муҳандис-шифокорлар етишиб чиққан. Республика туркман миллий-маданий маркази (раиси – «Дўстлик» ордени соҳиби Ўрозмурот Курбонов) ҳам қизгин фаолият олиб бораётир. Шунингдек, Тошкент, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий-маданий марказлари ҳам эътиборли ишлар қилмоқда.

Мустақил Ўзбекистон туркман эли билан дўстона алоқалар ўрнатган. Мисоли бир чинорнинг шохлари бўлмиш халқ барча қувончли ёки огир дамларида ҳам елкама-елка туриб келмоқда. Асрлар давомида грек, араб, эроний, мўғуллар, чор Россияси, Қизил империя босқинларига қарши бирга кураш олиб боришди. Ислom Каримов Ўзбекистон, Сапармурод Ниёзов Туркменистон мустақиллигининг яловбардорлари сифатида тарих майдонига чиқиб, асрлардан буён давом этиб келган эрк ҳақидаги орзуларини амалга оширдилар.

Дўстни, қариндошни огир кунда синаш ақидаси нуқтаи назаридан қараганда, ўзбек ва туркман бу борада бир-бирининг тақдирини ўзаро суянч ва ҳамдard бўлиб келаётган қардошлардир. 1948 йили Ашхободдаги даҳшатли зилзила, 1969 йилдаги Чоржўй, Фаробда бўлган сув тошқини, 1966 йилги Тошкентда, 1976 йилги Бухоро, Газ-

лида рўй берган кучли ер силкинишларида ўзбек туркман қариндоши учун, туркман ўзбек дўғони учун ҳамдard, суянчиқ бўлганига тарих гувоҳ. Туркман адиби Берди Кербобоев 1966 йили Тошкент зилзиласи кунини Тошкентга етиб келган, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби бир қатор ижодкор дўстларининг уйига бир-бир кириб чиқиб ҳол-аҳвол сўраган, ўзбек қариндошларининг азиятига дарддошлик қилган эди. Берди Кербобоев ташаббуси билан юзлаб тошкентлик болалар Туркменистон оромгоҳларида, ижодкор зиёлилар Ферузадаги сиҳатгоҳларда дам олиб даволанишганди.

Қардошлар ҳаётида бундай меҳр-оқибатли муносабатлар, дўстона алоқалар кўлами анча салмоқдорлиги билан эътиборни тортади.

2

Гурбангули Бердимухамедов таклифига биноан 2007 йилги расмий сафари (18-19 октябр) чоғида Ислom Каримов тантанали анжуманларда ўзбек-туркман халқлари дўстлиги, бунда Махтумқули ижодининг ҳам юксак аҳамияти мавжудлигини, бу донишманд шоир асарларидан олган таассуротини тўлқинланиб гапираркан, пандномалардан ёд айтиб берганида туркман халқи томонидан олқишлар ёғилди.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек: «Ўзбекистон ва Туркменистон мустақил тараққиёт йўлидан бораётган ҳозирги кунларда барча улуг аждодларимиз сингари Махтумқулининг ўлмас мероси биз учун янада муҳим маъно ва аҳамият касб этади. У бизнинг миллий ғуруримизни юксалтиришда, миллий мафқурани ривожлантиришда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат кўшади».

Махтумқули ҳали ёшлик кезларида илк таълимни Бухоро шаҳридаги Кўкалдош мадрасасида олган. 1998 йилда шоир таваллудининг 265 йиллиги муносабати билан Бухорода «Махтумқули — эзгу ғоялар куйчиси» мавзуида халқаро илмий-ама-

лий конференция ўтказилди. «Махтумқули — эзгулик куйчиси» (2000 йил), «Махтумқули Фирогий ибратлари» (2005 йил), «Ҳазрат Махтумқулидан сабоқлар» (2010 йил) номли мажмуаларни алоҳида таъкидлаш лозим. Бу тўпламларда Махтумқули асарларининг таҳлиliga, сабоқларига, ўзбек-туркман дўстлигига, миллий истиқлол ғоясини амалга ошириш ва мустақилликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган ўзбекистонлик олимлар ва ижодкорларнинг мақолалари, қайдлари ва суҳбатлари, Махтумқули меросидан амалга оширилган янги таржималар ва донишманд шоир асарларидан тўпланган ҳикматлар ўрин

имзоланган. Булар орасида 1996 йилги «Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида»ги, 2004 йилдаги «Дўстлик, ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида»ги икки томонлама шартномалар ўзининг иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маданий мақсадларининг аниқлиги, халқларимиз истиқболига хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон, Туркменистон, Россия ва Қозоғистон давлатлари ҳамкорлигида Каспий денгизи бўйлаб янги газ қувурининг барпо этилиши, Туркменистон-Хитой газ қувурининг вужудга келтирилишида Ўзбекистон вакиллари билан боғлиқ йирик халқаро тадбирларни эслаб ўтиш мумкин.

4

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «Алишер Навоий бобомиз бўладими, Рудакий, Абай, Махтумқули ёки Тўхтағул каби улуг зотлар бўладими, уларнинг барчаси ўз ижоди билан нафақат икки дарё оралигидаги халқларни, балки бутун башарият фарзандларини доимо меҳр-оқибатли, дўст-биродар бўлиб яшашга даъват этган»лигини таъкидлайди.

Расмий, маданий, иқтисодий алоқалар, ташрифлар анъанавий тус олган Ўзбекистон-Туркменистоннинг ижтимоий-маънавий ҳаётида Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан Ислom Каримовнинг 2010 йил 19-20 октябр кунларидаги расмий ташрифи ҳам юксак аҳамиятга молик бўлди. Президентларнинг яккама-якка суҳбатида, ОАВ вакиллари саволларига жавобларида ўтган давр мобайнида, жумладан, 2009 йилда товар айирбошлаш ҳажми 185 млн. АҚШ долларини ташкил этгани, савдототиқ алоқалари 40 фоизга ошгани таъкидланди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган автомобилларни сотиш ва сервис

хизмат кўрсатиш бўйича Ашхобод шаҳрида очилган қўшма корхона ҳамкорликнинг муҳим натижаси сифатида қайд этилди.

Ашхободнинг муҳташам «Ўғузкент» қароргоҳида бўлиб ўтган суҳбатларда ва кенг доирадаги ахдлашувларда 2010-2013 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик дастури имзоланди. Икки давлат раҳбарлари томонидан Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Уммон-Қатар ва Форс қўрғазининг бошқа мамлакатлари орқали ўтадиган транспорт йўлагини ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш режасининг амалга оширишга келишилганини алоҳида айтиб ўтиш ўринлидир.

«Ота-боболаримиздан қолган бир ҳикмат бор: агар қайси бир халқнинг табиати, қалби ва юрагини билмоқчи бўлсанг, аввало, унинг маданияти, адабиёти ва санъатини билиш керак. Чиндан ҳам, ҳар бир халқнинг шоир ва бастакорлари, бахшилари ва ижрочилари яратган асарларда шу элнинг қувончи, эзгу интилишлари, орзу-армонлари мужассам бўлади, — деди Ислom Каримов. — Туркменистоннинг миллий мумтоз санъати, жозибдор эстрада кўшиқларини эшитганимда, туркман халқининг тобора обод ва фаровон бўлиб бораётган бугунги ҳаётини, унинг барча соҳаларда қўяётган дадил қадамларини, туркман ёшларининг азму шижоатини, сулув қизларининг назокатини ёрқин тасаввур қиламан. Ишончим комилки, мана шу ҳашаматли залда ўтирган туркман дўстларимиз ҳам буюк ўзбек шоири Алишер Навоий асарларини ўқиганда, куй ва кўшиқларимизни тинглаганда, элу юртимизнинг кечаги кунини, бугунги фаровон ҳаётини ёрқин тасаввур қиладилар».

Юртбошимизнинг қардошлар бир-бирига қанчалик яқин, ҳамнафас ва ҳамкор бўлса, шунчалик кучли бўлиши ҳақидаги пурмаъно сўзлари ўзбек-туркман халқларининг порлоқ истиқбол, бир-бирига туганмас меҳри, нурафшон ҳаёт йўли мисолида ҳам ўз тасдигини топиб бормоқда.

Абдуғаффор ХОН



олган. 2008 йили Махтумқули таваллудининг 275 йиллиги муносабати билан ҳам Ўзбекистонда бир қатор тадбирлар ўтказилди. Бу ўринда яна Берди Кербобоев таваллудининг 100 йиллиги (1994 йил), Муллонафас юбилейининг 200 йиллиги (2010) муносабати билан ўтказилган ўнлаб тадбир, амалга оширилган нашрларни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Дилбар туйғулар шоири Муллонафаснинг шу жараёнда ўзбек тилида нашр этилган «Сайланма», «Гўзалим» номли мажмуалари ихлосмандлар томонидан муносиб кутиб олинди.

3

Туркманларнинг эҳтироми, айниқса, Президентимизга «Ҳурматли эл ёшуллиси» унвонининг берилиши, зотдор Ахалтегин отининг армуғон этилиши мисолида ҳам ўзини намоён этди. Ўз навбатида Г.Бердимухамедов мустақил Ўзбекистоннинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Мустақиллик йилларида юздан зиёд расмий келишув-ахдлашув ҳужжатлари

## «Инсонга наф келтириш - олий бахт» танловига

— «Ўзгеобурғунейтгаз» акционерлик компаниясининг йиғилишлари ҳамда касабакўм билан маъмуриятнинг қўшма мажлисларида қайта-қайта таъкидланишига қарамасдан чўлда жойлашган айрим конларда ишлаётган ходимларнинг меҳнат шариоитида камчиликлар учраб турибди, — деди касабакўм раиси Комил Ҳайитов машинанинг орқа ўриндиғида ёнма-ён ўтирган «Ўзгеобурғунейтгаз» акционерлик компанияси меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўлими бошлиғи Зариф Муҳаммаджоновга савол назари билан тикиларкан.

— Тўғри, ҳали кўп иш қилишимиз керак, яқинда компания бош директорининг чўл шариоитида ишловчи ишчиларнинг меҳнат шариоитларини яхшилаш бўйича алоҳида буйруғи чиқди, — деди З.Муҳаммаджонов.

Машина Қашқадарё вилоятининг шимолий-шарқий тумани Миришкор худудидан чиқиб, оқова сувлардан ҳосил бўлган Сечанкўл ҳавзасини ортда қолдирди. Ҳадемай конлар бошланди. Зеварда, Алан, Ўртабулоқ конлари кейин эса Кўқдумалоқ компресор станцияси, у ёғи эса Туркманистон кенгликларига уланиб кетади. Ниҳоят, машина Гирсан конига етиб келди. Конда бурғулаш-синов ишларини амалга ошираётган «Қашқадарё-пармалаш ишлари» ОАЖнинг бурғулаш ишлари бўйича устаси Бойтўра Норқобилов вагончадан тушиб, улар-

берди. Икки нафар ишчига эса «Геолог» санаторий-профилакторийсида смена оралиғида соғлигини тиклаши учун йўлланмани шу ернинг ўзида топширди.

Икки кунлик сафар жараёнида Чунангар, Ширкент, Чўлқувар, Илим, Мирмирон конларида бўлиб, ишчиларнинг меҳнат шариоити, муаммолари билан танишиб қайтган касабакўм қўмита аъзоларини тўплаб, қилинажак ишларни режалаштириб олди. Чўл худудида вахта режимида ишловчи ишчиларнинг меҳнат шариоитини яхшилаш, озиқ-овқат, сут-қатиқ маҳсулотлари, махсус кийим-кечаклар билан таъмин-

орда қолдириб, пастки худуддаги туманларга яқинлашган сайин ҳароратнинг кескин кўтарилаётганлиги сезила бошлади. «Ажойиб табиатимиз бор, ҳаёлидан ўтказди раис, Қашқадарёда бир вақтда тўрт фаслнинг гувоҳи бўласиз, деганлари рост». Айни саратон пайтида вилоятнинг Косон, Муборак туманларида ҳарорат 40-45 даражадан ошганда Шахрисабзнинг Гилонида олча гуллайди, яна сал юқориласангиз, сизни қорли чўқилар қаршилайди.

Ноқулай экологик шариоитда яшаётган қорақалпоғистонлик болаларга Шахрисабзнинг салқин ҳавоси жуда маъқул ке-

# Одамларга

га пешвоз чиқди. Вакиллар кондаги вазиятдан тўлиқ хабардор бўлгач, ишчиларнинг шариоитлари билан қизиқишди.

— Янги жой, кимсасиз дашт, йиғитларимиз ишдан сўнг бироз зерикиб қолишмаяпти. Ваъда қилинган радио, телевизор ҳали етказиб келингани йўқ. Бошқа шариоитлар аста-секин жойига тушмаяпти, — деди уста.

Касабакўм раиси тез-тез конларда бўлиб тургани боис даштнинг мураккаб шариоитини, машаққатини, вахта режимида 15 кун оиласидан йироқда ишлайдиган йиғитлар учун биринчи навбатда нима зарур эканини жуда яхши билади.

У қатор териб қўйилган вагон уйчалардаги шариоитлар билан танишди. Хитой мутахассислари томонидан ясалган вагон томи ва деворларига иссиқ ўтказмайдиган мосламалар ўрнатилгани боис ичкари бироз салқин. Иккита вагон уйчада эса ортиқча кўрпа-тўшаклар йиғиб қўйилганини кўрди. Демак вагон уйча етишмайди, хаёлидан ўтказди у.

Бундан ташқари радио, телевизор, газета, журнал тахламлари, кўчма кутубхона албатта зарур. У камчиликларни ён дафтарида ёзиб олиб, компания раҳбарига етказишни режалаштириб қўйди.

Жазирама иссиқда бурғулаш ишларини олиб бораётган ишчилар олдига ўтиб, ҳол-аҳвол сўрашган раис уларнинг юз-кўзларидан руҳлари тетик эканлигини сездди. Раис одати бўйича ишчиларнинг эғнидаги кийимларига синчиклаб қаради. Уриниб қолгани яққол кўзга ташланиб турибди.

— Келганингиз яхши бўлди, — деди мутахассислардан бири тушлик пайтида раисга юзланиб, — Ўғлимни оромгоҳга юбормоқчи эдим, йўлланма масаласида ёрдам қилсангиз. Раис унга 2-босқичга йўлланмалар тарқатиб бўлингани сабабли ўғлини 3-босқичга юбориш ҳақида бошланғич касабакўм аюшма қўмитаси раиси номига ариза ёзишни тайинлаб, йўлланма корхона ҳисобидан бепул берилишини билдирди.

Касабакўм раиси экспедицияда илгор бригада ҳисобланадиган мазкур жамоадаги 5 нафар ишчиларнинг фарзандларини ота-она бадалисиз компания тасарруфидаги Беруний номли оромгоҳга бепул дам олдириш учун йўлланма ажратилишига ваъда



лаш юзасидан компания маъмурияти ва бирлашган касабакўм аюшма қўмитасининг қўшма тадбирлари ишлаб чиқилиб, бош директор тасдиғига киритилди.

Касабакўм раиси «сафари»дан сўнг учинчи кун Гирсан конига қўшимча вагон, кўчма кутубхона, ишчи-хизматчиларга махсус кийим-бош, газета-журналлар тахламлари келтирилди. Болалар оромгоҳига касабакўм аюшма қўмитаси ҳисобидан 10 дона бепул йўлланма ажратилиб, вахтадаги ишчиларнинг уйларига етказилгач, раис ён дафтаридаги «эслатма»нинг устини чизиб қўйди.

«Ўзгеобурғунейтгаз» акционерлик компаниясининг Ҳисоролди нефт-газ кидирув экспедицияси тасарруфидаги Беруний номли оромгоҳ Шахрисабзнинг шимолий-шарқий биқинида жойлашган.

Бир вақтлар 100-120 нафар бола дам олдирилган оромгоҳ капитал реконструкциядан чиқарилгач, шариоит бутунлай ўзгарди. Оромгоҳ халқаро меъёрлар даражасида қайта қурилиб, мебел ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Кейинги пайтда ёзги мавсумда 2440 нафарга яқин бола соғломлаштириляпти.

Компания меҳнат жамоаларида 22 минг нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг фарзандларининг 30 фоизи Беруний номли оромгоҳда соғломлаштириляпти, қолган қисми эса Сурхондарё вилоятидаги «Нефтчи» оромгоҳида дам олдириляпти.

Кечагина учинчи босқич тугаганлиги сабабли оромгоҳда тозалаш, кейинги босқичга тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Комил Ҳайитовга пешвоз чиққан оромгоҳ директори Лутфулло Каримов раиснинг қандай ташвиш билан келганини сездди-да, қорақалпоғистонлик болалар жойлашган ётоқхона томон бошлади.

Саранжом-саришта ётоқнинг шинам хоналарини айланиб, лаззатли тушликдан сўнг мириқиб ухлаётган болаларни кўргач, раиснинг кайфияти кўтарилди.

Машина мафтункор Шахрисабзни

либ қолган. Ҳар йили Оролбўйидаги конларда ишловчи ота-оналарнинг 300 нафардан ортиқ фарзандлари Беруний номли оромгоҳда дам олиб қайтишади.

Яқинда Уст-юрт кенгликларидидаги Сургул конида бўлганида болалари Шахрисабзда дам олиб қайтган ишчиларнинг миннатдорчилик сўзларини эшитди. Улар ажратиладиган йўлланмалар сонини кўпайтиришни илтимос қилишди. Ота-оналарнинг талабига кўра, кейинги босқичга яна қирқ дона йўлланма қўшиб тарқатилди.

Машина деразасидан кираётган иссиқ ҳаво бироз элтиб, кўзи илинган Комил Ҳайитовни тўсатдан жиринглаган телефон кўнғироғи ҳушёр торттирди. Ҳисобчи Марина Караева икки кундан сўнг Бухоро шаҳрида касабакўм аюшма ташкилотлари вакилларининг меҳнат муҳофазасига бағишланган йиғилишига таклиф қилишганини билдирди.

«Касабакўм аюшма қўмиталарида меҳнат муҳофазаси бўйича шугулланувчи масъул ходимлар штатининг тикланганлиги жуда фойдали иш бўлди», хаёлидан ўтказди у машина ўриндиғига суянаркан. Бошланғич касабакўм аюшма ташкилотларида жамоатчилик асосида ишловчи қўмита раислари меҳнат муҳофазаси бўйича ҳужжатга имзо чекишгандан сўнггина ходим ишга киришиши белгилаб қўйилган.

Бу касабакўмларнинг масъулиятини оширади, касабакўм томонидан бириктирилган масъул ходимнинг меҳнат муҳофазаси билан шугулланувчи муҳандис билан доимий равишда ҳамкорликда ишлашини, янги ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича тегишли маълумотлар билан таъминланиши учун шариоит яратади. Мана шундай тадбирлар, меҳнат муҳофазаси бўйича тегишли қонунқоидаларга қатъий риоя қилиниши, бу борада касабакўм аюшма қўмиталарининг доимий назорати ўрнатилганлиги сабабли кейинги пайтда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар кескин камайди.

Компания бирлашган касабакўм аюшма қўмитасининг ташаббуси билан айнан шу масалага бағишлаб ҳар йили тўрт

мартагача семинар-ўқувлар ташкил этиляпти. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходимлар учун яратиладиган шарт-шариоитлар, амалга ошириладиган ташкилий тадбирлар маъмурият ва касабакўм ўртасида тузилган жамоа шартномасига алоҳида банд қилиб киритилган. Бир йилда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун маъмурият ҳисобидан 4,5 миллиард сўм маблағ ажратилаяпти. Шуларни ўйлар экан раис Кўқон шаҳрига режалаштирган сафарини қолдириб, Бухорода бўладиган семинарга шахсан ўзи бориб, қатнашишни кўнглига тугиб қўйди.

Комил Ҳайитов «Ўзгеобурғунейтгаз» акционерлик компаниясининг Қарши шаҳридаги маъмурий биносидидаги кабинетига кириб, кундалик хат-хабар, ариза ва бошқа ҳужжатлар қўйиладиган папкани очди. Икки кун бўлмаганлиги сабабли папка анчагина қалинлашиб қолган эди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги олдида кўрсатиладиган меҳр-мурувват тадбирлари режасини диққат билан қараб чиқди. Режада 215 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни ва беморларни 19 миллион 700 минг сўмлик кийим-кечаклар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан йўқлаш, совғалар бериш кўзда тутилган эди. У тадбир устига байрам арафасида ҳол-аҳвол сўраладиган оилалар рўйхатида конларда ишловчи кам таъминланган оилалар ва фахрийларни ҳам киритиш лозимлигини ёзиб қўйди.

Кунлик «почта» да контракт тўловларига кўмаклашишни сўраб ёзилган 4 та ариза билан танишган раис уларни синчиклаб ўқиб чиққач, эҳтиёжмандлигидан ўзи хабардор бўлган 2 нафар ходим аризасининг устхатига илтимосини қаноатлантириш, 2 тасига эса оилавий аҳолини ўрганиш ҳақида имзо қўйди.

Кўли «қисқароқ» ходимлар фарзандларининг контракт тўловларига кўмаклашиш ҳақида жамоа шартномасига алоҳида банд киритилган бўлиб, талабаларнинг оилавий аҳоли, хулқи ва яхши ўқиши ҳисобга олиниб, йил охиригача 155 талаба учун 314 млн. сўмдан ортиқ маблағ олий ўқув юртлари ҳисобига ўтказиб берилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги масалаларига жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 558 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

У уйга қайтиш олдида компанияга қарашли «Геолог» санаторий-профилакторийсига кириб ўтди. Бош врач билан даволаш маскани ҳовлисини айланди, таъминот масаласини сўраб-суриштирди, хориждан яқинда олиб келинган қимматбаҳо даволаш аппаратининг самараси билан қизиқди. Ҳар ойда 140 нафар ишчи-хизматчининг саломатлиги тикланаётган мазкур даволаш масканига келишни хоҳловчилар сони тобора ортиб бораёпти.

Шу сабабли муолажа хоналарини кенгайтириш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, яна 4 та коттеж типидидаги барча қулайликлари ички қисмига жойлаштирилган оилавий ётоқхоналар қурилиши бошланди. Бош врач Абдурахмон Яхшиевнинг ташкилотчилиги туфайли кейинги икки йилда санаторий-профилакторийда 2 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, 2,5 миллиард сўмлик янги замонавий аппаратуралар олинди. Даволаш турлари 5 тага кўпайди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон иқтисодиётини мустақамлаш йўлида кечаю кундуз меҳнат қилаётган минглаб ишчи-хизматчилар меҳнати самарадорлигини таъминлашда «Ўзгеобурғунейтгаз» акционерлик компанияси бирлашган касабакўм аюшма ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

**Исмаи ОЧИЛОВ,**  
Қашқадарё вилояти касабакўм аюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ходими

# «Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — таракқиётимиз таянчи» танловига

**Дуторчилар ансамбли деганда, мархум санъаткор Фанижон Тошматов раҳбарлик қилган бадий жамоа кўз олдимизга келади. «Дуторчи қизлар» номини олган ушбу ансамбл ижросида куйланган кўшиқлар юртдошларимиз кўнгил тўридан жой эгаллаган эди.**

Бугун ана шу сеvimли жамоа аъзолари ўрнини янги авлод вакиллари эгаллаган. Ансамбл аввалги машхурлик даражасига кўтарила оладими, деган савол кўпчиликини қизиқтириши табиий. Фанижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамбли фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистон давлат консерваториясига борганимизда, қизгин ижодий жараён устидан чиқдик. Машғулот хонасида бадий раҳбар Рўзибиби Ҳожиева ўнга яқин шогирди билан янги кўшиқ тайёрлаётган экан. Рўзибиби опа ҳар бир оҳанг, куй ритмини қизларга қайта-қайта тушунтириб, гоҳо кўлига соз олганча керакли пардани чашиб кўрсатди.

— Ёшлар билан ишлаш кишига ўзгача завқ бағишлайди, — дейди Р.Ҳожиева. — Ўзим аввалги жамоанинг илк аъзолариданман. Ўша давр тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шогирдларимга санъат сирларини сидқидилдан ўргатишга ҳаракат қилаяпман. Ансамблимиз Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Бадий жамоалар ижодий бирлашмаси қошида қайта ташкил этилганига бир йил бўлди. Ўз қиёфасига эга ансамбл бўлиб шаклланиш, халқимизга манзур бўладиган ашулалар тайёрлашга бел боғлаганмиз. Бирлашма директори Исроил Фуломов ҳам фаолиятимизни кучайтиришга ҳар томонлама кўмак бермоқда. Хонанда ва созанда қизларимиз асосан Ўзбекистон давлат консерваторияси, шунингдек, Тошкент давлат санъат институти ва бошқа ўқув даргоҳларида таълим олувчи талабалар орасидан танлаб олинган. Ансамбл ўз таркибига фолклор ва рақс жамоаларида ҳам фаолият кўрсатиб, анча малака орттирган 23 нафар ёш истеъдодни бирлаштирган. Улардан 23 нафари дуторчилар ҳисобланади.

Ансамбл репертуаридан турли йўналишда, жумладан, лапарлар, мақом ва фолклор ашулалари, қолаверса, бастакорлар яратган асарлар кенг ўрин эгалламоқда. Мақом куй

## Кўнглим тори — дуторим

ва кўшиқларини ижро этиш борасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Комила Бўриева ансамбл аъзоларига раҳбарлик қилапти. Малоҳат Набиева, Раъно Каримова, Мақсуда Ботирова, Ойдин Алиева, Умида Ҳамидова, Дурдона Ҳайдаралиева, Гулжаҳон Юсупова, Гулнора Фаниева каби истеъдодли ёш хонанда ва созандаларнинг ижро маҳорати эътиборга лойиқ. Жамоа турли маданий тадбирлар, телевизион мусиқий дастурларда фаол иштирок этапти.

Қизлар орасида фахрли ютуқларга эришган истеъдод эгалари талайгина. Саида Қулматова — шундай умидли ёшлардан бири. У 2006 йилда мусиқа йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган. Бугунги кунда консерваториянинг 4-босқич талабаси.

— Ансамблда иштирок этаётганимга бир йилдан ошди, — дейди Саида. — Дутор созандаси ҳисобланаман. Жамоадаги ижодий муҳит маҳоратимни ўстиришга катта ҳисса қўшмоқда. Мусиқага ҳавас ота-онамдан ўтган. Отам гижжак сози, онам рубоб-прима мутахассиси бўлса-да, ёшлигимдан дуторга қизиқиш уйғотишган.

Ёш созанданинг ўз устида тинмай ишлаши таҳсинга сазовор. Дутордек нафис миллий созимизнинг сеҳрли оҳанглари моҳирона намойиш қилиши орзуси Саиданинг кўнглида ўша илк санъат сирларидан воқиф этган Кўрғонтепа туманидаги 4-болалар мусиқа мактабида пайдо бўлган. Бу ерда унга мусиқа ўқитувчиси Дилрабо Темирова дутор бўйича сабоқ берди. Ўша пайтдаёқ Саиданинг истеъдоди ярқ этиб кўзга ташланди. 2002



йилда М.Қориёқубов номидаги ёш ижрочиларнинг Республика кўрик-танловида иштирок этиб, 2-ўринни эгаллади. 2004 йилда Андижон санъат коллежига ўқишга киргач, Зулфия Қаюмова ва Хотира Акрамова устозлигида маҳоратини оширди. С.Қулматова 2007 йилда Ўзбекистон давлат консерваториясига имтиёзли равишда талабалikka қабул қилиниб, дутор ижрочилиги ва дирижёрлик бўйича таҳсил ола бошлади. Бу борада унга Рўзибиби Ҳожиева, Карим Азимов, Феруза Абдурахимова, Гулчехра Мухамедова каби устозлари яқиндан кўмак бермоқда.

— Дутор оҳанглари кўнглимга яқин, — дейди ёш созанда. — Бўш қолдим дегунча кўлимга соз олиб, «Кўштор», «Кўқонча тановар», «Усмония», «Ажам тароналари» каби куйларни чашиб дам оламан. Қондан-қонга ўтиб келаётган бу оҳанглар халқимизнинг бой мусиқий меросини ташкил этади. Дутор нолари бошқа миллат кишиларини ҳам мафтун этганига кўп бор гувоҳ бўлганман. Ансамблимиз билан чет эл элчихоналари ўтказган тадбир-

ларда қатнашиб, чиқишларимиз хорижликлар томонидан олқиш билан кутиб олинганида кўнглим фаҳрга тўлган. Қолаверса, ҳар йили ноябр ойида Япон маданият марказида бўлиб ўтадиган Япония маданият кунда миллий мусикаларимиз, мусикавий саҳна намойишлари билан иштирок этамиз. Японлар дутор сози-мизга ўзгача қизиқиш билан қарашади. Бир неча бор дуторда японча куй ва ашулалар ижро этиб, уларни ҳайратга солганмиз. «Шимо ута» деган кўшиқни куйлаганимиз эсимда. Афсонавий аскар ҳақидаги бу ашуланинг оҳанги менга ёқди.

Саида билан суҳбат жараёнида унинг яна бир киррасини кашф этдик. У дутор ижрочилиги бўйича илмий тадқиқот олиб бориш ниятида. Келгуси фаолиятини ҳам шу йўналишда давом эттирмоқчи. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари дутор синфи ўқувчилари учун ўқув кўлланмаси чиқаргани ана шу йўлдаги дастлабки қадами бўлди.

Ансамблнинг яна бир иқтидорли аъзоси — Нилуфар Фазлиддинова. Унда ҳам санъатга,

хусусан, дуторга меҳр ёшликдан уйғонган.

— Ота-онам санъат соҳаси одамлари бўлганлиги учун уйимизда рубоб, дутор каби чолғу асбоблари бўларди, — дея эслайди Нилуфар. — Улардан тараладиган оҳанг мени ўзига ром этарди. Санъатга қизиқишим кучлилигидан мусиқа мактабида ўрин тўлиб қолган бўлса-да, илтимос қилиб қабул қилишларига зўрға кўндирганман. Ушбу маскан Наманган туманининг Тошбулоқ шаҳарчасидаги 9-болалар мусиқа мактаби бўлиб, шу ерда устозим Шохид Мирзаева дуторни илк бор кўлимга ушлатган.

Ўқувчилик давридаёқ турли байрам тадбирлари, концертларда фаол иштирок этгани ҳар жиҳатдан фойда берди. Бу ёш истеъдоднинг маҳоратини чархлашга, қобилиятини намойиш этишга имкон яратди. Ана шу интилишлар кейинчалик ўзлигини топишига кўмаклашди. Хусусан, Наманган санъат коллежида ўқиб юрган чоғида вилоят миқёсида ўтказилган танловларда голиб топилди. 2007 йилда эса Ёш ижрочиларнинг Республика танловида лауреат бўлди. Ушбу ютуқларга Санобар Мирзаева, Аҳмаджон Абдурахимов сингари машхур созандалар сабогини олиш орқали эришганини Нилуфар қувониб эслайди.

Нилуфар мумтоз ашулаларни ҳам маромига етказиб ижро этиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Консерваторияда бакалавриятнинг юқори босқичида ўқишни давом эттираётган Н.Фазлиддинова дутор бўйича Рўзибиби Ҳожиевани таълим олаётган бўлса, мақом ижрочилигини Малика Зияеванинг қўли билан ўрганапти. Мақом ашулаларининг моҳир ижрочиси бўлиш энг катта орзуларидан бири.

Сўзимиз аввалида ёш жамоанинг эртаси ҳақида хавотиромуз гап очган эдик. Қалби миллий санъатимизга чексиз меҳр билан тўла иқтидорлар ижод қилаётган муҳит билан танишиш эса тасаввуримизни ўзгартириб юборди. Меҳнат ва интилиш самара бераётганига ишонч ҳосил қилдик.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

— 24 ёшли ўғлим Исмоилнинг тўрт йилки, жонида ҳузур йўқ эди, — дея сўз бошлади Мамат ота Қиличев. — У кўп даволанди. Муборак, Касби шаҳарларидаги шифохоналарда ётди. Тошкентга боришнинг имкони бўлмади. Шифокорлар буйрағида учта тош борлигини айтишди. Ниҳоят, қишлоғимиздаги одамлардан таърифини эшитиб, Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси урология бўлими олий тоифали шифокори Беҳзод Омонов ҳузурига келдик. Аввало, Аллоҳнинг қарамиди, қолаверса, Беҳзод-жоннинг билими туфайли кўп вақтлар дардига шифо топгани бизга умид бағишлади. Кўли энгил шифокорнинг жарроҳлик амалиётидан сўнг ўғлим буйрағидаги тошлардан қутилди. Икки нафар фарзандининг қувончини кўрсангиз...

Беҳзод Омонов шаънига айтилаёт-

## «Элга нафим тегса...»

ган бундай илқ сўзларнинг адоғи йўқ.

У Самарқанд Давлат тиббиёт институтини тугатиб, Қашқадарё вилоят Оналар ва болалар шифохонасининг «Болалар урологияси» бўлимига ишга кирди.

— Онам қандли диабет касаллиги билан хасталаниб, жуда қийналди, — ҳикоя қилади шифокор. — Шундан сўнг шифокор бўлишга аҳд қилдим. Акам Фарҳод ҳам шифокор. У Қарши шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникада ишлайди. Устозларим Ботир Тўрақулов, Тўрақул Жониев, Боймурод Саидовдан кўп нарсани ўрган-

дим. Беморларнинг шифо топиб, қувонишини кўриш ҳаётим мазмунига айланди. 2004 йилда Украинада урологлар халқаро ўқувида билимимни оширдим. Тиббиёт изланиши, янгиликларни ўзлаштириш ва амалиётда қўллашни талаб қилади. Ўзим ҳам илмий иш билан бандман.

Моҳир жарроҳ тез-тез Республика урология илмий-текшириш маркази ҳамда пойтахтдаги 1-шаҳар шифохонаси мутахассислари билан тажриба алмашади.

У урологик касалликларни замонавий усулда текшириш, даволаш ва олдини олиш бўйича янгиликларни

амалиётга татбиқ этиб, бошқаларга ҳам ўргатмоқда.


Беҳзод 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида таълим олди. Унинг орзулари кўп. Элга нафим тегса, дейди.

— Инсон ўз саломатлигига жиддий ёндашиши керак, — дейди у. — Дард кучайиб кетгунга қадар бепарволик қилиш яхши эмас. Йилига икки марта тиббий кўриқдан ўтиб туриш фойда муҳим. Зеро, касалликни даволагандан унинг олдини олган афзал.

**Акмал АБДИЕВ**  
«Ishonch» мухбири

## Сўраган экансиз

## Меҳнат роҳатга айлансин



(Давоми. Боши  
125, 129 сонларда)

**Жамоа келишувлари қачон кучга киради? Амал қилиш муддати қандай белгиланади?**

Жамоа келишуви имзоланган пайтидан ёки келишувда белгиланган вақтдан бошлаб кучга киради. Амал қилиш муддати тарафлар томонидан белгиланади ва у уч йилдан ошиб кетмаслиги лозим.

**Жамоа келишувларининг бажарилиши қандай текширилиб борилади?**

Барча поғонадаги жамоа келишувларининг бажарилиши бевосита тарафлар ёки улар ваколат берган вакиллар, шунингдек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли органлари томонидан текшириб турилади. Текшириш вақтида тарафлар бу иш учун керакли маълумотларни тақдим қилишлари шарт.

**Ишга жойлашиш ҳуқуқи қонунларда қандай мустаҳкамланган?**

Меҳнат кодексининг 57-моддасида «унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳар кимнинг мутлақ ҳуқуқидир. Ҳар ким иш берувчига бевосита муурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул вазирлигини орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир» дейилади.

**Меҳнат кодекси ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди. Буни ким амалга оширади?**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари меҳнат органларининг таклифига кўра ва уларнинг иштирокида аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида ўз мулкидаги ҳамда шартномалар асосида бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг амалга оширилишини ташкил этадилар.

Меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган фуқаролар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун кейинчалик икки ойгача муддатга узайтириш ҳуқуқи билан муддатли меҳнат шартномалари тузилади.

Жамоат ишларини бажариш чоғида фуқароларга бажарилаётган ишга қараб, бироқ ўн беш фоизга оширилган ишсизлик нафақасидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш, ана шу ишлар муддатини умумий меҳнат стажига қўшиш, пенсия таъминоти ва вақтинча ишга лаёқатсизлик юзасидан нафақалар олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш ва молиялаш, ишсиз шахсларнинг бундай ишларда иштирок этиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари қандай мақсадларда ташкил қилинади?**

Иш қидираётган шахс сифатида меҳнат органларида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи (меҳнат даромади) олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнат органлари томонидан ишсиз деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

биринчи марта иш қидираётган ва касби (мутахассислиги) бўлмаган шахсларни меҳнат

фаолиятига жалб қилиш;

турли сабабларга кўра касб фаолиятида анча узилишлар бўлган шахсларни (илгари болалар тарбияси, беморлар ва оиланинг кекса аъзоларига қараш билан машғул бўлган, жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган ва бошқалар) меҳнатга қайта тиклаш;

иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларини ишчи кучи билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

**Бу ишда кимлар қатнашиши мумкин?**

Меҳнат органларида рўйхатга олинган, қарамоғида уч кишидан кам бўлган 35 ёшгача бўлган ишсиз эркаклар, улар томонидан ишсизлиги бўйича нафақа олиш даврида;

Ихтиёрий тартибда — ишсизларнинг бошқа тоифалари, шунингдек, меҳнат органларида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинганлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашишлари мумкин.

**Кимлар ишсиз деб эътироф этилади?**

Ўн олти ёшдан бошлаб пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақи (меҳнат даромади) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ёки қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахс ишсиз деб эътироф этилади.

**Қандай иш мақбул деб қабул қилинмайди?**

Агар иш: яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлса; таклиф этилган иш доимий яшаш жойидан анча узоқ бўлса ва транспортда қатнаш жиҳатдан қулай бўлмаса; таклиф қилинган ишда иш ҳақи шу мутахассислик ва касб учун белгиланган энг кам миқдордан оз бўлса; ишни рад этиш узрли сабаблар билан асосланган бўлса, бундай иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин эмас. (Давоми бор)

Яқинда курсдошларимдан бири пластик карточка билан боғлиқ қўлидаги воқеани сўзлаб берди:

«Ўтган йил отам меҳнат таътилига чиққан кунни бир талай пул кўтариб келди.

— Бунча кўп, кир



## Қулайлик

ювадиган машинамиз бузилганди, янгисини оламиз, — деди онам.

Хуллас, анча пулни кўтариб бориб, кир ювадиган машина сотиб олдик.

Бу йил отам яна йиллик меҳнат таътилига чиқди. Бироқ қўлида...

— Пул олмадингизми, дадаси? — сўради онам.

— Олдим...

Онам ажабланиб, бироз хавотир аралаш сўради.

— Олган бўлсангиз, қани?

Отам мийғида кулимсираб, қўлидаги пластик карточкани онамга тўтқазди.

— Мана, онажониси!

— Ие, бу нима?

Отам шундан сўнг пластик карточканинг қулайлигини онамга тушунтирди ва илгаригидек даста-даста пул кўтариб юрмасдан шу билан ҳисоб-китоб қилиш мумкинлигини тушунтирди.

Дарҳақиқат, бугун турли соҳалардаги ҳисоб-китобларнинг пластик карточка орқали амалга оширилаётгани ҳар жиҳатдан қулайлик туғдирмоқда.

Пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш, аҳолининг пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши учун қулайликлар яратиш мақсадида бир қатор қарорлар эълон қилинди.

Қайси банк хизмат кўрсатишидан қатъи назар, барча савдо шохобчаларида харид имкониятлари яратилди.

Карточканинг муҳим жиҳатларидан бири гигиена билан боғлиқдир. Қўлдан қўлга ўтувчи қоғоз пуллар ўзи билан бирга микробларни ташиши исботланган.

Шунингдек, пулни йўқотиб қўйиш ҳадигидан халос бўласиз. Муҳими, пластик карточкадан эгасидан бошқа киши фойдалана олмайди.

Дарвоқе, республикамизнинг барча ҳудудларида банк пластик карточкаларидан тўловларни амалга ошириш кун сайин такомиллашиб бормоқда.

Азизбек АҲМАДҚУЛОВ,  
ТДИУ 3-босқич талабаси



## Қинғир ишнинг қийиғи

Инсон борки, яхшиликка, эзгу амалларга интилади. Беш қўл баробар бўлмаганидек, осон бойлик орттириш йўли билан дабдабали ҳаёт кечиршни орзу қиладиганлар ҳам учраб туради.

Жондор тумани Шўробод қишлоғида яшовчи Ҳикмат Баҳроев ва Салим Баҳроев аввал уч мартадан судланган бўлишларига қарамай, тегишли хулоса чиқаришмади.

Тузилган жиноий режага кўра Ҳикмат Баҳроев шериклари билан Хазорасп туманидаги Тошкент автобекатига боради. У ерда У.Аҳмедовга тегишли «Нексия»да пойтахтга бориш учун келишиб, уловни

тўлиқ банд қилишади. Жўнаш вақтини атайин 13.00га белгилаб, ҳайдовчини кузата бошлади. Ҳайдовчининг фуқаролардан Тошкент шаҳрига нақд пул жўнатмаларини қабул қилишини аниқлашгач, сергаклик янада оширилади. Бу орада ҳайдовчи Эргаш Яхшимуродовдан 3,5 млн., Тўлқин Иброҳимовдан 1 млн., Шавкат Дўстжоновдан 1 млн. сўм жўнатмаларни санаб олади.

Машина олиш йўлини босиб ўтиб, тун ярмида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани ҳудудидаги «Маржона» номли ошхона ёнига етганда «Йўловчилар» овқатланишни истаб қолишади. Улар дастурхонга ўтиришгач, Ҳикмат Баҳроев ва шериклари У.Аҳмедовнинг чойига билдирмасдан, ҳаёти ва соғлиғига хавф тугдирувчи дори қўшиб беришади. Кейин хушсизланиб қолган ҳайдовчини машинасига суяб миндиришади. Режанинг осон кечгани-

дан фойдаланган босқинчилар ҳайдовчининг «Нокиа» русумли уяли телефон аппаратини, 250 минг сўмлик узуги ва ёнидаги 5,5 млн. сўм нақд пул, жами 5 млн. 850 минг сўмлик мулкни қўлга киритишади.

«Қор ёғди, излар босилди» хаёлида юрган Ҳикмат Баҳроев раҳбарлигидаги жиноий гуруҳ яна Урганч шаҳрида гимирлаб қолишди. У ердан Тошкент автобекатига боришиб, Эгамберган Отажоновга тегишли «Нексия» русумли автоуловда Тошкент шаҳрига бориш учун келишишади. Жўнашни атайин кейинроққа суриб, ҳайдовчини кузата бошлашади. Бирин-кетин Тошкент шаҳрига нақд пул жўнатмаларини бериб юбориш учун Э.Отажонов олдида фуқаролар кела бошлашади. Шу зайл ҳайдовчи фуқаролар Қадамбой Раҳимовдан 1 млн. 100 минг, Қудрат Пулатовдан 650 АҚШ доллари, Алишер Мамашариповдан

700 АҚШ доллари, Тўлқин исмли шахсдан 82 минг сўм, жами 1 млн. 182 минг сўм нақд пул ва 1 минг 350 АҚШ доллари ҳайдовчи ҳаменидан жой олади.

Йўлда яна синалган «услуг» иш беради. «Йўловчи» қўлидан «Кока-кола» ичган Э.Отажонов хушидан айрилгач, жиноятчилар воқеа жойидан ғойиб бўлишади.

Халқимизда «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади», деган нақл бор. Калавининг учи топилгач, ҳар икки ҳолат юзасидан тезкор суриштирув бошлаб юборилди.

Жиноят ишлари бўйича Нуробод туман суди аниқ асосларга таянган ҳолда судланувчиларга жазо белгилади. Жиноятчилар тегишли жазосини олишди.

Толливой ТУРДИМОВ,  
Нуробод тумани прокурори



## Душанба

05.55 Кўрсатувлар дастури.  
06.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
07.00, 18.10, 22.35 «Иқлим».  
07.10 «Икки тақдир». Т/с.  
07.50 «Тонгги наволар».  
08.00 «Тахлилнома».  
08.45 - 9.45 «Маънавият» дастури.  
«Болалар сайёраси»:  
09.45 «Бизнинг кутубхона».  
10.05 «Фикрлар бўлган экан». М/ф.  
10.15, 21.55 «Қирол ва мен». Т/с.  
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».  
11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».  
11.15 «Радиога ташриф».  
11.30 «Камолот остонаси».  
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Заркент».  
12.50 Миллий кино: «Сукунат».  
14.20 «Ватанпарвар».  
15.00 Жаҳон мусиқаси хазинасидан.  
Д. Верди. «Фальстаф». 1-қисм.  
16.05 «Менинг оилам».  
16.30 «Кунларнинг бирида».  
16.40 «Ўзбекистон табиати».  
17.15 2010 йил - Баркамол авлод йили.  
«Истиқлол фарзандлари».  
«Болалар сайёраси»:  
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».  
18.00 «Олтин мерос».  
18.15 Серил: «Хаёт синовлари».  
18.55 «Ватан манзиллари».  
19.20 «ТВ - шифокор».  
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.  
19.30 «Ахборот». /рус/.  
20.10 Серил: «Туташ тақдирлар».  
20.45 «Ватанимни куйлайман».  
21.40 2010 йил - Баркамол авлод йили.  
«Мен ёшликман».  
22.40 «Тўфон». Б/ф.  
23.30 - 23.40 «Очун».

## Сешанба

05.55 Кўрсатувлар дастури.  
06.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
07.00, 12.55, 15.05, 18.05, 22.40 «Иқлим».  
07.10 «Икки тақдир». Т/с.  
07.50 «Тонгги наволар».  
08.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».  
08.40 - 09.20 «Маънавият» дастури.  
09.20 «Болалар дунёси».  
09.50 Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси намойиш этади.  
10.10 «Конституция оламига саёҳат».  
10.15, 22.00 «Қирол ва мен». Т/с.  
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».  
11.15 Серил: «Хаёт синовлари».  
11.50 «Ахборот». /инглиз/.  
13.00 Серил: «Туташ тақдирлар».

## Душанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби.  
07.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»  
08.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари.  
08.35, 15.40 «Карвонсарой».  
08.45 Мультсерил: «Винни Пух».  
08.55 «Ёлғиз қуш». Т/с 30 қисм.  
09.20 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртақ». Б/ф.  
10.35 «Саргузаштлар ороли».  
11.00 2010 йил-Баркамол авлод йили:  
«Эртамиз эгалари».  
11.15 «Оқ бўрилар». Б/ф.  
13.50 «Нима учун?» гуруҳи тақдим этади:  
«Шунақа гаплар».  
14.05 «Дунё» теледастури.  
15.00, 18.00, 20.00, 5.00, 7.05 «Пойтахт».  
15.15 «Ёлғиз қуш». Т/с 31 қисм.  
15.50 «Айёр Хюга». М/ф. 1 қисм.  
16.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф. 17 қисм.  
17.05 «Менинг шахрим».  
17.25, 6.35 Серил: «Чемпионлик орзуси».  
18.25 «Йигит кўнгли». Т/с 14 қисм.  
19.45, 21.30 «Телекурьер-маркет».  
20.20 Бизнес «Пойтахт».  
20.25 «Уйларим».  
20.30 «Инсон матонати». Т/с 113 қисм.  
21.00 «Тошкентнинг илм масканлари».  
21.40 «Интервью».  
21.55 «Хаёт фалсафаси».  
22.15 Эко-«Пойтахт». /рус/.  
22.30 «Пойтахт». /рус/.  
22.50 «Кино SMS со звёздами».  
22.55 «Крошка из Беверли Хиллз». Х/ф.  
00.40 Кўрсатувлар тартиби.  
00.50 Эко-«Пойтахт». /рус/.  
01.00 Ночной сеанс: «Тристан и Изольда». Х/ф.  
02.45 «Уйларим».  
02.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф. 17 қисм.  
03.15 Тунги киносеанс: «Оқ бўрилар». Б/ф.  
05.20 «Тв-монолог».  
06.20 «Тошкентнинг илм масканлари».

## Сешанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби.  
07.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»  
08.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари.  
08.35, 15.40 «Карвонсарой».  
08.45 Мультсерил: «Винни Пух». 23-қисм.  
08.55 «Ёлғиз қуш». Т/с 31 қисм.  
09.15 «Интервью».  
09.25, 21.10 «Уйларим».  
09.30, 15.00, 18.00, 20.00, 5.00, 7.05 «Пойтахт».  
09.40, 15.10, 21.05 Бизнес «Пойтахт».  
09.45, 17.25, 6.35 Серил: «Чемпионлик орзуси». 22 қисм.  
10.15 «Қонун доирасида».  
10.30 «Пойтахт». /рус/.  
10.40 «Полицейский с петушиного холма». Т/с 1-серия.  
11.05 «Хаёт фалсафаси».  
11.25 «Қора рицарь». Б/ф.  
13.50 «Тв-монолог».  
14.05 «Дунё» теледастури.  
15.15 «Ёлғиз қуш». Т/с 32 қисм.  
15.50 «Айёр Хюга». М/ф. 2 қисм.  
16.20 «Тошкентнинг илм масканлари».  
16.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф. 18 қисм.  
17.00 «Болаликка қайтиб».  
18.20 «Химоя».

«Болалар сайёраси»:  
13.35 «Кўрсатувлар саргузаштлари». М/с.  
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.  
15.10 Жаҳон мусиқаси хазинасидан.  
Д. Верди. «Фальстаф». 2-қисм.  
16.15 «Тезкор хабарлар».  
16.25 «Мен ёшликман».  
16.40 «Ўзбекистон табиати».  
17.15 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни олдидан. «Қонун ҳимоясида».  
«Болалар сайёраси»:  
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.55 «Олтин мерос».  
18.10 Серил: «Хаёт синовлари».  
18.50 «Навоийни англаш».  
19.10 «Кун мавзуси».  
19.20 «ТВ - шифокор».  
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.  
19.30 «Ахборот». /рус/.  
20.10 Серил: «Туташ тақдирлар».  
20.45 «Ватанимни куйлайман».  
21.35 «Истиқлол қайтарган номлар».  
21.40 «Муқаддас қадамжолар».  
22.45 «Тўфон». Б/ф.  
23.35 - 23.45 «Очун».

## Чоршанба

05.55 Кўрсатувлар дастури.  
06.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
07.00, 12.50, 15.00, 22.35 «Иқлим».  
07.10 «Икки тақдир». Т/с.  
07.50 «Тонгги наволар».  
08.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».  
08.40 - 09.30 «Маънавият» дастури.  
«Болалар сайёраси»:  
09.30 Мульттўплам.  
09.50 «Репортёр».  
10.00 «Ягона оилада».  
10.20, 21.55 «Қирол ва мен». Т/с.  
11.10, 19.20 «ТВ - шифокор».  
11.15, 18.10 Серил: «Хаёт синовлари».  
11.50 «Кун мавзуси».  
13.00, 20.10 Серил: «Туташ тақдирлар».  
«Болалар сайёраси»:  
13.35 «Кўрсатувлар саргузаштлари». М/с.  
14.20 «Дунё манзаралари».  
14.40 «Эркин иқтисодиёт».  
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Кузнинг илохий жилвалари».  
15.50 «Очун».  
16.00 «Уйла, Изла, Топ!»  
16.40 «Ўзбекистон табиати».  
17.15 2010 йил - Баркамол авлод йили.  
«Таълимга эътибор - келажакка эътибор».  
«Болалар сайёраси»:  
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».  
18.00 «Олтин мерос».

18.30 «Йигит кўнгли». Т/с 15 қисм.  
19.45, 21.30 «Телекурьер-маркет».  
20.20 Эко-«Пойтахт».  
20.35 «Инсон матонати». Т/с. 114 қисм.  
21.40 «Интервью».  
21.55 «Фан ва тараққиёт».  
22.15 «Репортаж». /рус/.  
22.30 «Пойтахт». /рус/.  
22.50 «Кино SMS со звёздами».  
22.55 «Однажды в Риме». Х/ф.  
00.30 Кўрсатувлар тартиби.  
00.35 «Все о туризме».  
01.05 Ночной сеанс: «Тайна рукописи». Х/ф.  
03.00 «Уйларим».  
03.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф. 18 қисм.  
03.30 Тунги киносеанс: «Қора рицарь». Б/ф.  
05.20 «Тв-монолог».  
06.25 Эко-«Пойтахт».

## Чоршанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби.  
07.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»  
08.20 Тошкент тароналари.  
08.35, 15.40 «Карвонсарой».  
08.45 Мультсерил: «Винни Пух». 24-қисм.  
08.55 «Ёлғиз қуш». Т/с 32 қисм.  
09.15 «Интервью».  
09.25 «Уйларим».  
09.30 «Пойтахт».  
09.45 Серил: «Чемпионлик орзуси». 23 қисм.  
10.15 «Химоя».  
10.30 «Пойтахт». /рус/.  
10.40 «Полицейский с петушиного холма». Т/с 2-серия.  
11.05 «Репортаж». /рус/.  
11.20 «Мимино». Б/ф.  
12.50 Эко-«Пойтахт».  
13.00 «Салом, Тошкент!»  
13.50 «Тв-монолог».  
14.05 «Дунё» теледастури.  
15.00 «Пойтахт».  
15.15 «Ёлғиз қуш». Т/с 33 қисм.  
15.50 Мультсерил: «Чип ва Дейл». 29 қисм.  
16.10 «Фан ва тараққиёт».  
16.30 «Санъатимиз хазинасидан».  
16.45 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф. 19 қисм.  
17.10 «Нима учун?» гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар».  
17.25 Серил: «Чемпионлик орзуси». 24 қисм.  
18.00 «Пойтахт».  
18.25 «Йигит кўнгли». Т/с 16 қисм. /Яқунловчи/.  
19.30 Тошкент тароналари.  
19.45 «Телекурьер-маркет».  
19.55 «Созлар жананги».  
20.00 «Пойтахт».  
20.25 «Уйларим».  
20.35 «Инсон матонати». Т/с. 115 қисм.  
21.05 Бизнес «Пойтахт».  
21.15 Тошкент тароналари.  
21.30 «Телекурьер-маркет».  
21.40 «Интервью».  
21.55 «Этиқод».  
22.20 «Репортаж».  
22.30 «Пойтахт». /рус/.  
22.50 «Кино SMS со звёздами».  
22.55 «Моби Дик». Х/ф. /Премьера/. 1-серия.  
00.30 Кўрсатувлар тартиби.  
00.35 Ночной сеанс: «Я остаюсь». Х/ф.

## O'zbekiston

18.45 «Тарих кўзгуси».  
19.05 «Истеъмолчи».  
19.15 «Ифтихор».  
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.  
19.30 «Ахборот». /рус/.  
20.45 «Ватанимни куйлайман».  
21.40 2010 йил - Баркамол авлод йили.  
«Мен ёшликман».  
22.40 «Тўфон». Б/ф.  
23.30 - 23.40 «Очун».

## Пайшанба

05.55 Кўрсатувлар дастури.  
06.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
07.00, 15.00, 18.05, 22.45 «Иқлим».  
07.10 «Икки тақдир». Т/с.  
07.50 «Тонгги наволар».  
08.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».  
08.40 - 09.25 «Маънавият» дастури.  
«Болалар сайёраси»:  
09.25 «Цирк, цирк, цирк».  
09.45 «Табассум».  
10.15, 22.05 «Қирол ва мен». Т/с.  
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».  
11.10 «Ифтихор».  
11.15, 18.10 Серил: «Хаёт синовлари».  
11.50 «Ахборот». /инглиз/.  
12.50 «Истеъмолчи».  
13.00, 20.10 Серил: «Туташ тақдирлар».  
«Болалар сайёраси»:  
13.35 «Кўрсатувлар саргузаштлари». М/с.  
14.20 «Умрбоқий наволар».  
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».  
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Кузнинг илохий жилвалари».  
15.50 «Тезкор хабарлар».  
16.00 «Маҳалла».  
16.20 «Одамлардан бири».  
16.40 «Ўзбекистон табиати».  
17.15 «Юрт меҳри».  
«Болалар сайёраси»:  
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.55 «Олтин мерос».  
18.45 «Кун мавзуси».  
19.00 2010 йил - Баркамол авлод йили.  
«Камолот остонаси».  
19.20 «ТВ - шифокор».  
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.  
19.30 «Ахборот». /рус/.  
20.45 «Ватанимни куйлайман».  
21.40 «Буюк аждодларимиз».  
22.50 «Енаркуртнинг парвози». Б/ф. 1-қисм.  
23.35 - 23.45 «Очун».

## TOSHKENT

02.30 «Тошкент оқшомлари».  
03.00 «Химоя».  
03.10 Иқлим.  
03.15 «Уйларим».  
03.20 Тунги киносеанс: «Мимино». Б/ф.  
05.00 «Пойтахт».  
05.20 «Тв-монолог».  
06.20 Бизнес «Пойтахт».  
06.25 «Репортаж».  
06.35 Серил: «Чемпионлик орзуси». 23 қисм.  
07.05 «Пойтахт».

## Пайшанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби.  
07.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»  
08.20 Тошкент тароналари.  
08.35, 15.40 «Карвонсарой».  
08.45 Мультсерил: «Винни Пух». 25-қисм.  
08.55 «Ёлғиз қуш». Т/с 33 қисм.  
09.15 «Интервью».  
09.25 «Уйларим».  
09.30 «Пойтахт».  
09.40 Бизнес «Пойтахт».  
09.45 Серил: «Чемпионлик орзуси». 24 қисм.  
10.15 Эко-«Пойтахт».  
10.30 «Пойтахт». /рус/.  
10.40 «Полицейский с петушиного холма». Т/с 3-серия.  
11.05 «Репортаж».  
11.15 «Нима учун?» гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар».  
11.30 «Флаббер». Б/ф.  
13.55 Тв-монолог.  
14.05 «Дунё» теледастури.  
15.00 «Пойтахт».  
15.10 «Анонс».  
15.15 «Ёлғиз қуш». Т/с 34 қисм.  
15.50 Мультсерил: «Чип ва Дейл». 30 қисм.  
16.10 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Умид юлдузлари».  
16.30 «Мулоҳаза учун мавзу».  
16.55 «Ислохот одимлари».  
17.10 «Дурдона».  
17.25 «Чемпионлик орзуси». 25 қисм.  
18.00 «Пойтахт».  
18.25 «FM-саёҳат».  
19.05 «Умр сўмоқларида».  
19.30 Тошкент тароналари.  
19.45 «Телекурьер-маркет».  
20.00 «Пойтахт».  
20.30 «Уйларим».  
20.35 «Инсон матонати». Т/с 116 қисм.  
21.05 Бизнес «Пойтахт».  
21.15 Тошкент тароналари.  
21.30 «Телекурьер-маркет».  
21.40 «Интервью».  
21.55 «Ибрат».  
22.15 Эко-«Пойтахт». /рус/.  
22.30 «Пойтахт». /рус/.  
22.50 «Кино SMS со звёздами».  
22.55 «Моби Дик». Х/ф. /Премьера/. 2-серия.

## Жума

07.25 Кўрсатувлар тартиби.  
07.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»  
08.20 Тошкент тароналари.  
08.35, 15.40 «Карвонсарой».  
08.45 Мультсерил: «Винни Пух». 26-қисм.

## Жума

05.55 Кўрсатувлар дастури.  
06.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
07.00, 12.55, 15.00, 18.10, 22.40 «Иқлим».  
07.10 «Икки тақдир». Т/с.  
07.50 «Тонгги наволар».  
08.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».  
08.40 - 09.20 «Маънавият» дастури.  
09.20 2010 йил - Баркамол авлод йили.  
«Таълимга эътибор - келажакка эътибор».  
09.40 «Конституция оламига саёҳат».  
09.45 «Ўзбекистон - умумий уйимиз».  
10.15, 22.00 «Қирол ва мен». Т/с.  
10.55, 19.20 «ТВ - шифокор».  
11.10 «Кун мавзуси».  
11.25, 18.10 Серил: «Хаёт синовлари».  
13.00, 20.10 Серил: «Туташ тақдирлар».  
«Болалар сайёраси»:  
13.35 «Кўрсатувлар саргузаштлари». М/с.  
14.20 «Дунё манзаралари».  
14.40 «Яхшилар ёди».  
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Сувости дунёси».  
16.00 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.  
16.20 «Рангин дунё».  
16.40 «Ўзбекистон табиати».  
17.15 «Саломатлик дастури».  
«Болалар сайёраси»:  
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».  
18.00 «Олтин мерос».  
18.50 «Минг бир ривоят».  
18.55 «Хидоят сари».  
19.15 «Ифтихор».  
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.  
19.30 «Ахборот». /рус/.  
20.45 «Ватанимни куйлайман».  
21.40 «Бир ўлка-ки».  
22.45 «Енаркуртнинг парвози». Б/ф. 2-қисм.  
23.30 - 23.40 «Очун».

## Шанба

05.55 Кўрсатувлар дастури.  
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
07.05 «Иқлим».  
07.10 Миллий кино: «Қайдасан, Оймомо?»  
7-қисм.  
07.50 «Тонгги наволар».  
08.00 «Ахборот».  
«Болалар сайёраси»:  
08.40 «Бизнинг кутубхона».  
09.00 «Бахт ўзи нима?» М/ф.  
09.10 «Ифтихор».  
09.15 «Қирол ва мен». Т/с.  
09.55 «Минг бир ривоят».  
10.00 «Хидоят сари».

08.55 «Ёлғиз қуш». Т/с 34 қисм.  
09.15 «Интервью».  
09.25 «Уйларим».  
09.30 «Пойтахт».  
09.45 Серил: «Чемпионлик орзуси». 25 қисм.  
10.15 «Тошкентнинг илм масканлари».  
10.30 «Пойтахт». /рус/.  
10.40 «Полицейский с петушиного холма». Т/с 4-серия.  
11.10 «Ислохот одимлари».  
11.25 Бизнес «Пойтахт».  
11.35 «Алвон елканлар». Б/ф.  
13.50 «Дурдона».  
14.05 «Дунё» теледастури.  
15.00 «Пойтахт».  
15.15 «Ёлғиз қуш». Т/с 35 қисм.  
15.50 Мультсерил: «Чип ва Дейл». 31 қисм.  
16.15 «Саргузаштлар ороли».  
16.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф. 20 қисм.  
17.05 «Этиқод».  
17.25 Серил: «Чемпионлик орзуси». 26 қисм.  
18.00 «Пойтахт».  
18.20 «Ибрат».  
18.40 «Дилдаги гаплар».  
19.05 «Умр сўмоқларида».  
19.30 Тошкент тароналари.  
19.45 «Телекурьер-маркет».  
20.00 «Пойтахт».  
20.20 «Кадр ортида».  
20.35 «Таянч нуқтаси».  
21.05 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртамиз эгалари».  
21.15 Тошкент тароналари.  
21.30 «Телекурьер-маркет».  
21.40 «Интервью».  
21.50 «Уйларим».  
21.55 «Маърифат фидойилари».  
22.15 Тв-монолог.  
22.30 «Пойтахт». /рус/.  
22.50 «Кино SMS со звёздами».  
22.55 Комедия по пятницам: «Знакомьтесь Дейв». Х/ф.

## Шанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби.  
07.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»  
08.20 Тошкент тароналари.  
08.35, 15.40 «Карвонсарой».  
08.45 Мультсерил: «Винни Пух». 27-қисм.  
08.55 «Ёлғиз қуш». Т/с 35 қисм.  
09.15 «Интервью».  
09.25 «Уйларим».  
09.30 «Пойтахт».  
09.45 Серил: «Чемпионлик орзуси». 26 қисм.  
10.15 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртамиз эгалари».  
10.30 «Пойтахт». /рус/.  
10.40 «Полицейский с петушиного холма». Т/с 5-серия.  
11.05 «Все о туризме».  
11.35 «Аҳмад қаерда?» Б/ф.  
13.50 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Умид юлдузлари».  
14.05 «Дунё» теледастури.  
14.55 «Қонун доирасида».  
15.15 «Ёлғиз қуш». Т/с 36 қисм.  
15.40 «Карвонсарой».  
15.50 Мультсерил: «Чип ва Дейл». 32 қисм.  
16.10 «Дилдаги гаплар».  
16.40 «Мулоҳаза учун мавзу».  
17.05 «Санъатимиз хазинасидан».

10.20 «Оналар мактаби».  
10.40 1.«Рангинкамон». 2. «Дидар».  
11.25 Серил: «Хаёт синовлари».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
13.00 «Иқлим».  
13.05 Серил: «Туташ тақдирлар».  
13.40 «Бир ўлка-ки».  
14.00 «Ахборот».  
14.15 «Одил суд».  
15.00 «Минг бир маслаҳат».  
15.20 «Коломбо». Б/ф.  
«Болалар сайёраси»:  
16.35 «Уйла, Изла, Топ!»  
17.15 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.30 «Саломатлик сирлари».  
17.50 «Иқлим».  
17.55 «Бахшиёна».  
18.00 «Анъана».  
18.25 «Чинор». В/ф.  
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.  
19.30 «Ахборот». /рус/.  
20.10 Серил: «Денгиздан томчи».  
20.45 «Кўнгли кўшиқ истаиди».  
21.00 «Ахборот».  
21.40 «Ихтирочи». Б/ф.  
23.35 - 23.45 «Очун».

## Якшанба

05.55 Кўрсатувлар дастури.  
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
07.05 «Иқлим».  
07.10 Миллий кино: «Қайдасан, Оймомо?»  
2-қисм.  
07.50 «Тонгги наволар».  
08.00 «Ахборот».  
«Болалар сайёраси»:  
08.40 «Саккизоёқчалар». М/ф.  
08.50 «Табассум».  
09.25 «Очиқ дастурхон».  
09.55 «Иқлим».  
10.00 «Саломатлик сирлари».  
10.20 «Анъана».  
10.50 «Кунларнинг бирида».  
11.00 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.  
11.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Богоаро».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
13.05 «КиноТеатр».  
13.30 «Ифтихор». Б/ф.  
16.00 «Азизим».  
16.35 «Болалар дунёси».  
17.05 «Айёр қарга». М/ф.  
17.15 «Аяжонларим». В/ф.  
18.15 «Бахшиёна».  
18.20 «Рангин дунё».  
18.40 «Иқлим».  
18.45 «Оҳанрабо».  
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.  
19.30 «Тахлилнома». /рус/.  
20.10 Серил: «Денгиздан томчи».  
20.45 «Кўнгли кўшиқ истаиди».  
21.00 «Тахлилнома».  
21.45 «Заковат».  
22.35 «Берн мўжизаси». Б/ф.  
00.25 - 00.35 «Очун».

17.25 Серил: «Чемпионлик орзуси». 27 қисм.  
17.55 «Афиша».  
18.10 «Кадр ортида».  
18.25 «Истеъдод».  
18.50 «FM-саёҳат».  
19.30 Тошкент тароналари.  
19.45 «Телекурьер-маркет».  
20.00 «Пойтахт».  
20.20 Эко-«Пойтахт».  
20.30 Очиқ мулоқот.  
21.10 Тв-монолог.  
21.15 Тошкент тароналари.  
21.30 «Телекурьер-маркет».  
21.40 «Интервью».  
21.55 «Афиша». /рус/.  
22.10 «Экономическое ревью».  
22.30 «Пойтахт». /рус/.  
22.50 «Кино SMS со звёздами».  
22.55 Индийское кино: «Папа». Х/ф. 1-серия.  
00.20 Кўрсатувлар тартиби.  
00.30 Индийское кино: «Папа». Х/ф. 2-серия.  
02.00 «Истеъдод».  
02.20 «Мулоҳаза учун мавзу».  
02.45 «Дилдаги гаплар».  
03.20 «Иқлим».  
03.25 «Уйларим».  
03.30 Тунги киносеанс: «Аҳмад қаерда?» Б/ф.  
05.00 «Пойтахт».  
05.20 Тв-монолог.  
06.20 Серил: «Чемпионлик орзуси». 26 қисм.  
06.

Душанба

6.00, 11.30, 1.20 «Салом, ёшлар!»
6.40, 23.30 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
7.10, 13.10 «Мультипанорама».

Сешанба

6.00, 11.30, 1.20 «Салом, ёшлар!»
6.40, 23.30 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
7.10, 13.10 «Мультипанорама».

Душанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 08.00, 18.45, 21.45, 01.00, 03.00 хабарлар.

Сешанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 08.00, 18.45, 21.45, 01.00, 03.00 хабарлар.

Душанба

07.00, 09.00, 11.05, 17.10, 18.00, 19.30, 02.15 Узбек наволири
08.10, 14.40, 18.40 Серил «Мухаббат асираси»

Сешанба

07.00, 07.40, 09.00, 10.40, 13.30, 17.10, 18.10, 19.30, 02.15 Узбек наволири
07.30 Prime time (рус)

12.10, 19.30 «Кумуш». Т/с.
13.40 «Ёшлик наволири».
14.00, 21.00 «Император аёл». Т/с.

Чоршанба

6.00, 11.30, 1.20 «Салом, ёшлар!»
6.40, 23.30 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
7.10, 13.10 «Мультипанорама».

11.35 «Баркамол авлод».
12.50 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.55 16 Осиё ўйинларида. Футбол. БАА - Бангладеш.

Душанба

11.35 «Баркамол авлод».
12.50 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.55 16 Осиё ўйинларида. Футбол. БАА - Бангладеш.

Чоршанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 08.00, 18.45, 21.45, 00.45, 03.00 хабарлар.

Душанба

15.30 Мультфильм
17.30 «Премьера»
18.00 Prime time (рус)
22.00 «ЯРМАРКА ТЩЕСЛАВИЯ» худ.фильм

Сешанба

07.00, 07.40, 09.00, 10.40, 13.30, 17.10, 18.10, 19.30, 02.15 Узбек наволири
07.30 Prime time (рус)

YOSHLAR

4.40 «Шарқ гавҳари».
5.20 «Кўза». Б/ф.
5.50-6.00 «Мадҳия».

Пайшанба

6.00, 11.30 «Салом, ёшлар!»
6.40, 23.30 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
7.10, 13.10 «Мультипанорама».

Жума

6.00, 11.30, 2.00 «Салом, ёшлар!»
6.40, 23.30 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
7.10, 13.10 «Мультипанорама».

SPORT

20.05, 22.00 Саломатлик хазинаси.
20.10 Волейбол. Жаҳон чемпионати. Аёллар.
21.30 «Тараддуд». 16 Осиё ўйинлари олдидан.

Пайшанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 08.00, 18.45, 21.45, 01.00, 03.00 хабарлар.

TV-MARKAZ

Жума

19.30, 02.15 Узбек наволири
07.30 Prime time (рус)
08.10, 14.40, 18.40 Серил «Мухаббат асираси»

9.00 «Инсон психологияси».
9.30 «Яшаш сирлари».
9.50, 18.50 «UzEX».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 «Давр».

Шанба

6.00 «Тараннум».
6.40 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
7.10 «Мультипанорама».

Шанба

22.00 Саломатлик хазинаси.
22.05 16 Осиё ўйинларида. Футбол. Ўзбекистон - БАА.
23.45 Жума дастури анонси.

Жума

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 08.00, 19.00, 21.45, 01.00, 03.00 хабарлар.

Жума

асираси»
09.30 Серил «IRIS»
11.30 «Макрли дунё» бадий фильм
14.30 Prime time (рус)

16.10 «Бўлажак генерал».
16.30 «Кувноқ дўмбоқчалар».
16.40 «Катта танаффус».
17.10 «Питер Пен». М/ф. 1-қисм.

Якшанба

6.00 «Тараннум».
6.40 «Ёшлар нуноштаси».
7.10 «Мультипанорама».

Шанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30 Болалар майдончаси: Тонги гимнастика.

Якшанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Кувноқ стартлар».
06.45 «Тренируемся вместе».

Жума

19.00 «Топ-10»
20.30 «Бизнинг мусика»
21.30 «Премьера»
22.00 «ХРАМ ШАОЛИНЬ» худ.фильм



«Агробанк» ОАТБ Сирдарё вилояти бошқармаси бугунги кунда воҳадаги қишлоқ мулкдорларининг асосий молиявий таянчига айланган. Банк жамоаси сифатли, тезкор хизматлари билан миждозларининг ишончини оқлапти. Шу боис ҳам миждозлар сафи кундан-кунга кенгаймоқда. 2010 йилнинг 1 январ

фаолият кўрсатаётган кўплаб банклар қатори «Агробанк» фаолиятида ҳам кескин бурилиш ясади. Бошқарма ва унинг филиаллари томонидан вилоятдаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 539 та терминал ўрнатилди. Бундан ташқари, миждозларга пластик карточкалар орқали янада қулай хиз-

миллион сўм, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун эса 343 миллион сўм кредит ажратилди. Банк филиаллари томонидан молиялаштириш манбалари ҳисобидан иқтисодиётнинг реал секторга, кичик бизнес субъектларига, ишлаб чиқариш ва корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан модернизация-

тилди. Айни кунларда вилоятдаги барча пахта тозалаш корхоналарини модернизация қилиш мақсадида кредитлар ажратилиши белгиланган.

Ширин шаҳридаги «Шоҳрухбек Дамирбек» МЧЖ жамоаси ҳам ишлаб чиқариш қувватларини ошириш мақсадида банкдан 50 миллион сўм миқдорда имтиёзли инвестицион кредит олди. Айни кунда корхонада мазкур кредит ҳисобига 10 та янги иш ўрни юзга келиб, маҳаллий ёшлар доимий иш билан таъминланди.

Банк филиаллари томонидан савдо, сервис

явий ёрдам кўрсатди.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, сервисни ривожлантириш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари сонини ошириш мақсадида ажратилаётган кредитлар салмоғи ҳам анча юқори бўлмоқда. Жумладан, Сайхунобод туманидаги «Сайхун саломатлик сервис» хусусий корхонасига, Ширин шаҳридаги «Тўмарис-Ширин Нур» МЧЖга, Ховос туманидаги «Кўҳна Диёр» фирмасига, Янгиер шаҳридаги «Иброҳим Файз сервис» хусусий корхонасига кўрсатилган банк молиявий кўмаги натижасида вилоятда

## Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

*Юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида иқтисодиётнинг аграр сектори ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, фермерлик ҳаракатининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлашда жиддий ютуқлар қўлга киритилаётир. Жойларда мулкдорлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кўплаб замонавий корхоналар қурилиб, уларда рақобатбардош сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Бу сабъ-ҳаракатлар ўз навбатида ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирмоқда ва юртимизда кичик ва хусусий тадбиркорлик ривожига хизмат кўрсатмоқда.*



# Барқарорлик асоси

ҳолатида 7 минг 135 миждоз банк хизматидан фойдаланган бўлса, бу рақам 1 октябрда 7 минг 990 тани ташкил этди. Ўтган давр давомида 855 та миждоз ушбу банк билан алоқа боғлади. Миждозларнинг асосини, яъни 4 минг 650 тасини қишлоқ хўжалик корхоналари ташкил этади. Жумладан, 4 минг 551 та фермер хўжалиги, 21 та санаот корхонаси, 20 та автотранспорт хизмати ташкилоти, 16 та қурилиш корхонаси, 1 минг 970 нафар кичик бизнес субъектига хизмат кўрсатилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисидаги қарорлари юртимизда

мат турларини кўрсатиш мақсадида кўплаб банккомат ва инфокиосклар ўрнатилди.

Пластик карталар барча учун ишончли ва қулай бўлиб, унга талабгорлар сафи кун сайин кўпаймоқда. Вилоят бошқармаси томонидан 2010 йил 1 январ ҳолатига 43 минг 980 та пластик карта миждозлар ўртасида жойлаштирилган бўлса, бу рақам жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига 58 минг 301 тани ташкил этди.

Банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кредитлар ажратилиб келинмоқда. Қишлоқ жойларидан чорвачиликни ривожлантириш учун 218 миллион сўм, тадбиркор аёллар учун 800

лаш, реконструкция ва таъмирлаш ҳамда моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун 13 миллиард сўм кредит ажратилди.

Сирдарё туманидаги «Темур Мед Фарм» МЧЖга «Агробанк» ОАТБ Сирдарё филиали томонидан кредит маблағи ажратилиши натижасида кархона ўз салоҳиятини янада мустаҳкамлаб олди, 60 та янги иш ўрни яратилди. Бу янги корхонада йилига 9 хил турдаги 6 миллион дона доридармонлар ишлаб чиқарилиб, мамлакатимиз ҳамда қўшни Туркменистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Озарбайжон республикаларига экспорт қилиниши режалаштирилган. Келгуси йилда корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари янада ошиб, йилига 12 миллион 540 минг дона дори-дармон маҳсулоти тайёрлайди ва яна қўшимча 25 та иш ўрни яратилади.

Сардоба туманидаги «Пахтаобод» пахта тозалаш корхонасини техник ва технологик янгилаш, пахта хом ашёсини жаҳон стандартларига мос ҳолда қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида банк томонидан 1 миллиард 650 миллион сўм миқдорда кредит ажра-

хизмати, корхоналарни модернизация қилиш учун ажратилган кредитлар туфайли вилоятда қўшимча равишда 2060 дан зиёд иш ўрни яратилди. Йилнинг ўтган даври давомида банк бўлимлари томонидан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар учун жами 7 миллиард сўм тижорат кредити ажратилди. Уларнинг асосий фоизини банк ўз маблағлари ҳисобидан ташкил этди.

Жумладан, банк филиаллари томонидан «Турдалиев Акмалжон», «Анорбой Ҳасан», «Сарварбек Назаркул» ҳамда «Абдусатторов Бурҳониддин» фермер хўжаликларига ҳайдов тракторлари учун кредит маблағлари ажратилди. Албатта, бу молиявий кўмак натижада фермер хўжаликларининг иш унумдорлиги ошди, фермерларнинг зарур пайти трактор излаб сарсон бўлишига ҳожат қолмади.


Банк фаолиятини тобора кенгайтириб бормоқда. Ўтган йили вилоят фермерларига лизинг асосида юқори сифатли ва унумли «Класс доминатор» ғалла ўриш комбайнларини сотиб олишда узоқ муддатли моли-

кўплаб янги иш ўринлари яратилаяпти, бунёд этилган корхоналар вилоят инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Банк сармоялари эвазига Гулистон, Янгиер, Ширин шаҳарларида ҳам кўплаб корхоналар оёққа туриб, ишлаб чиқаришни ривожлантирмоқда.

Банк жамоаси «Баркамол авлод йили»да вилоят ёшларини ҳар томонлама кўлаб-қувватлаб, узоқ муддатли таълим кредитлари орқали молиявий кўмак берапти. Йилнинг ўтган даврида таълим йўналишида ўқиётган кўплаб сирдарёлик ёшларга ҳам кредит маблағлари берилди.

Сирдарёлик «Агробанк» чиларнинг ана шундай беминнат хизмати, молиявий кўмаги элюрт ишончини оқламоқда. Шу боис ҳам вилоят аҳлининг банкка ишончи ортиб, унинг хизматидан кўпроқ фойдаланмоқда. Банкка бўлган ишонч ортиши сабаб, хизмат кўрсатиш қўлами кенгаймоқда. Бу эса вилоят иқтисодиётининг гуркираб ривожланишини таъминлаяпти.

**Анорбой НОРКУЛОВ,**  
«Ishonch»нинг  
жамоатчи мухбири





таётганини кўрдим. Буларни ҳеч ким назорат қилмасмикин-а?

Мен эса «маданийлашган» тиланчиларга учраганимни эсладим...

\*\*\*

Йўлни кесиб ўтганимда, ортимдан кимдир чақирди. Нотаниш киши светофорнинг яшил чирогини кутмасдан чолиб ўтди. Ҳаллослаб етиб келгач, жилмайишга уринди.

— Биламан, сиз яхши одамсиз. Анави ерда машинам бузилиб қолди. Шунга, ҳалиги, устани олиб келишим

— Метрога тушишга пулимиз тугаб қолувди...

Жаҳлим чиқди. Жим кетдим. Индаб нима ҳам қила олардим.

\*\*\*

Деярли ҳар куни битта йўлдан ишга қатнайман ва метродан чиқиб, хиёбон оралаб келарканман, тез-тез русийзабон бир кампирга рўпара келаман. Қалин, эски кийимда, оғирлиги билиниб турган иккита сумкани кўтариб, қаергадир қатнайди. Ёрдам берай десам, юзимга қарамасдан рад этади.

Бу сафар навбатчилик қилиш учун кечки пайт ишхонага йўл олдим. Йўлакда ўша кампирни учратдим. Чарчагани кўриниб турибди. Ёнидан индамай ўтди-му, яна ортга қайтдим.

## ИФВО

Бунга анча йиллар бўлди. Яқин олиб, ҳазил-хузул қилиб юрадиган хўжалигимиз раиси «Қалай, ёзувчи укам, қаламлар чархланаяптими?» дея илмоқли гап ташлаб ўтадиган бўлиб қолди. Писандасидан мендан кўнгли қолган деб гумон қилдим. Бу икки-уч бора қайтарилгач, масалага ойдинлик киритиш учун шартта кабинетига кириб бордим. Ундан очикча гапиришни талаб қилдим. Раис тортмасидан бир конверт олиб, қўлимга тутқазди: «Мана бунга сиз ёзганмисиз, ахир!» Қарасам, «юқори» идорага ёзилган қалингина хатга менинг исми илова қилинган. Кўзларимдан ўт чакнаб кетгандай бўлди.

Тез-тез ўқий бошладим. Гап кишлогимиз ер майдонлари ҳақида кетарди. Айқаш-уйқаш жумлаларда келтирилишича, раис уй-жой, томорқаларни пуллашга тушган. Бу кетишда давлат ерларини сотиб, еб тугатармиш. Пул бера олмаган палончи-пистончилар талабини ҳеч қондирмаётгани ҳам кўрсатиб ўтилган.

Раис гап нимадалигини англаб етди. Аммо номаълум муаллифнинг қабиҳларча иш тутиб, номимни шубҳага қўйиши газабимни кўзгатиб юборди. Шунинг учун хатни «гуноҳкор»да қолдирмай, ўзим билан уйга олиб келдим. Фикрлар содда талкинда бўлгани билан, хусниҳат ўқувчига тааллуқли экани сезилиб турарди. Акамнинг ўрта мактабда ўқитувчилик қилишидан фойдаланиб, юқори синф ўқувчиларининг диққат ва иншоларини шикоят хати билан солиштириб чиқа бошладик. Уч кун деганда «ижрочи муаллиф»нинг шахси аниқланди. У ҳали ўрта мактабга ўқийдиган боласига уй-жой олиш учун раис билан айтишган кишининг қизи экан.

Ҳа, жанжал, фитнес ва ичиқораликка мойиллик — бетайин одамлар иши. Арзимас ишларда ҳам ёлғонга йўл қўйиш бир дунё ишончсизликни бошлаб келиши мумкин. Инсон номини пок сақлаш учун ҳам бундайлардан эҳтиёт бўлиши керак.

Мансур ЗОИР

# ҲАЛОЛНИНГ НОНИ ШИРИН

Халқимизда «Меҳнат қилиб топганинг, қанду асал тотганинг», деган мақол бор.

Тушликда исирик тутатиб юрган гадоёга дуч келдик. Ҳамкасблардан бири мийиғида қулди. Ҳайрон бўлганимни сезгач, сабабини гапириб қолди.

— Бир воқеа эсимга тушди. Холам университетдан чиқаётганида бир гадоё йўлини тўсибди. Қаергадир қўйган майда пулини ҳадеганда топа олмагач, у:

— Тезроқ берсангиз-чи, вақтим кетяпти, — деган экан.

— Унданам ёмони — лўливачалар, — деди яна бир ҳамроҳимиз. — Учтаси бир қизнинг йўлини тўсиб: «Пул бермасанг, юзингга тупураминг», деб кўрқи-

керак. Беш юз сўм бериб туринг. Фақат боришга...

Димоғимга ароқнинг бадбўйи урилди. Разм солсам, чайқалиб турибди. Афтангорида машинаси бор одамга ўхшамайди. Ҳар қалай қиёфаси ташвишли кўрингани учун сўраганидан кўпроқ пул бердим. «Муродига етган» одам негандир шошмади. Алданганимни сездим...

Ажабланарлиси кейинги кун содир бўлди. Иккита кўғирчоқдек ясанган 16-17 ёшлардаги қиз йўлимни тўсди. Майин табассум билан:

— Майлими, бир нарса сўрасак, — дейишди бараварига.

— Хўш?

— Бувижон, келинг ёрдамлашаман.

— Раҳмат, мен ўзим...

— Унда мана бу пулни олинг.

— Йўқ, ўғлим, нонга етадиган ақчам бор.

Бундай вазиятга илк бор дуч келишим эди. Ҳалати кайфиятга тушиб қолдим. Хаёлимдан ҳазрат Навоийнинг:

«Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,

Яхшироқ андинки, биров берса ганж»,

деган ҳикмати ўтди. Ҳалолнинг нони ширинлигини қаршимда турган мана шу онахон тасдиқлаб турарди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ

Таътилдан чиққан ходимнинг жўшқин фаолиятга қайтиши бир оз мушкул кечади. Немис психологларининг аниқлашича, уч ҳафта дам олган кишининг интеллектуал ривожланиш коэффициенти йигирма фоизга камайар экан. Зеро, узоқ вақт давом этган таътил мия фаолиятининг сусайишига, ақлий меҳнат кўникмаси пасайишига олиб келади. Вақт ўтиб, темир занглагани каби мия ҳам доимий чархланишни талаб этади. Бунга атрофдаги инсонлар, бинолар, номлар, машина рақамларига эътиборли бўлиш, уларни эслаб қолишга уриниш ҳам ёрдам беради.

Энди мунтазам ақлий меҳнат билан шугулланиш, бунда меъёр билмаслик ва унинг оқибатларига тўхталсак. Бу борада психолог Гулнора Акмалхўжаева шундай дейди:

— Дам олиб, куч-ғайрат билан ишлаган инсоннинг ишида унум, сифат бўлади. У касбидан безмай, меҳр билан ишлайди. Доимий ақлий меҳнат, ишни шахсий ҳаётдан устун қўйиш, вақтида ҳордиқ чиқармаслик эса уйқусизлик, бош оғриғи, опатия(бефарқлик), жаҳддорлик, касбий зўриқиш синдроми каби бир қатор руҳий ва жисмоний касалликларга олиб келади. Хусусан, касбий зўриқишга шифокор, ўқитувчи, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органи ходимлари кўпроқ чалиниши аниқланган.

Ҳар бир инсон турлича ҳордиқ чиқаришни хоҳлайди. Кимдир сайр қилишни, кимдир кинотеатрга боришни афзал билади. Биримиз китоб ўқишни танласак, бошқамиз учун компьютер олдида ўтириш ҳам бир ҳордиқ. Хўш, мазкур танловни қандай изоҳлаш мумкин? Бу инсон феъли ва мижозига қай даражада боғлиқ?

Кузатувларга кўра, холерик, яъни тез ҳаяжонланувчи, қизишиб кетувчи инсонлар фаол ҳордиқ турлари:

сузиш, велосипедда учуш, алпинизм, саёҳатларга чиқишни яхши кўради. Меланхолик, яъни маъюс, ғамгин, дилгирликка мойиллар

лим, ҳам ҳордиқ берувчи восита топилмас керак. Аммо техника тараққий этгани сари инсонларнинг қараш ва қизиқиш-

## Сочингизга

# Оқ оралабди...

ижодий дам олишни самарали, деб ҳисоблашади. Улар ўз меҳнати маҳсулидан қувонади. Зеро, ҳеч бир нарса инсонга сеvimли машғулотичалик завқ бермайди. Шифокорлар фикрича, мазкур ҳолатда организм эндорфин гармонини ишлаб чиқаради. Бу гармон кишига қувонч, қониқиш ҳиссини бағишлайди. Хушчақчақ, серҳаракат, дея таърифланувчилар учун эмоционал, жўшқин таассурот қолдирадиган биргина машғулоти етарли экан.

лари ўзгариб бормоқда. Бугун баъзилар учун компьютер ўйнаш ҳордиқ чиқаришнинг бир турига айланди. Тўғри, улар орасида ақлий салоҳиятни оширувчи, чархловчи ўйинлар ҳам бор. Бироқ компьютер қаршида меъеридан ортиқ ўтириш натижасида кўз, у орқали мия зўриқади. Келинг, бирор корхона ёки ташкилот ходимасининг бир ҳафталик фаолиятини таҳлил этиб кўрайлик. У беш, олти кунлик ишдан сўнг дам олиш кунлари ҳам уй

юмуши, болалар тарбияси, тансиқроқ таом пишириш билан машғул бўлади. Бу ҳам дам олиш бўлиши мумкинми? Психологлар фикрича, ақлий ва жисмоний меҳнат алмашинувини ҳордиқ чиқариш деб ҳисоблаш мумкин.

\*\*\*

Маҳалламизда етмиш ёшдан ошган бир отахон яшайди. Жуда тетик, уни ҳеч ким шундай улғу ёшда деб ўйламайди. Сабаби, у жисмоний меҳнатни қанда қилмайди. Муҳими, ўз вақтида дам олишни билади. Орамизда қирққа қирмай қариб қолган, бола-чақа, уй-рўзгор ташвишлари деб умри ўтиб кетаётганлар қанча! Уларга қарата шундай дегимиз келди: «Фарзандларингиз ҳам камолга етар, мол-давлатингиз ҳам зиёда бўлар, аммо ўша кунларга етганингизда йўқотган соғлигингиз қайтиб келармиди? Бир зум тўхтаб, ойнага боқинг: юзингизга ажин тушибди, сочингизга оқ оралабди. Гоҳ бош, гоҳ бел оғриғи безовта қилади. Лекин шифокорга боришга вақтингиз йўқ. Йилда бир бор бериладиган меҳнат таътилига ҳам режалар тузиб қўйибсиз. Кетган соғлиқ, куч-қувватни тиклаш, сиҳатгоҳда даволашни, дам олишни эмас, уй қуриш, таъмирлаш, тўй қилишни мўлжаллагансиз. Соғлигингиз ҳақида қачон ўйлайсиз?»

Шоҳсанам  
НИЁЗОВА,  
ЎзДЖТУ талабаси

Куз қозони қайнади.  
Сигир сути қуюқлашди.  
Қатиғи ёғли-ю мазали бўлди.

Куз қатиғи — қуёвга бергусиз!

Олиму оми, фозилу жоҳил учун энг сўнги ва энг муқаддас битик — минг йиллик Қуръони Карим қўним топган чекка Қовчин қишлоғида, кўзқувнатар ўқувчиларга тўлган тонгги кўчада катак камзул кийиб, эски жуздон кўтариб, улоққа ошиққан чавандоздай ҳовлиқиб, Чори муаллим қишлоқнинг мўъжаз мактаби томон боради. Иши ўзига ёқади. Қора қозон қайнаб, кун ўтиб тургани учунгина эмас...

...Сув совиди, ҳавоям совиб қолади. Энди ташқарида ётиб бўлмайди. Ҳовлини ағдариш керак. Сомонхона томини сувамаса, чакка ўтади. Галла ғамлаб қўйиш керак. Қиладиган иш кўп.

Йўлда жияни — «кўча хўжаси»ни учратиб қолди.

— Э-э-й тоға, иш кўп, бошимдан ошиб ётибди. Итда тиним бор, менда тиним йўқ. Қачон тугайди, жонгаем тегиб кетди, — зорланади жиян «бечора».

— Оббо сен-ей, ҳеч қандай ишинг ҳам, ташвишинг ҳам бўлмаса?! Шунда нима қилсан? Шуниси билан ҳаёт қизиқ-да! Иш, ташвиш одамни одам қилади! — астойдил айтади тоға.

Жиян пешонасини чизиклар эгаллайди...

Чори муаллим ишдан қайтиб, ҳовлини ағдаришга киришди. Ерни кузда ағдариб олиш керак. Баҳорга чиқиб ҳам ағдарса бўлади, лекин... Кузги шудгорда ўсимлик қолдиғи, минерал ўғит ерга чуқур кўмилади. Касаллик тарқатувчи ҳашарот қирлиб битади. Қишдаги қор-ёмғир, яхоб сувдан намга бой, унумдор тупроқ бўлади. Баҳорда ер ҳайдаб, уч пуд ҳосил олган деҳқон кузги шудгордан олти пуд ҳосил олади. Кузги шудгор...

— Ота, Жўра ферма ака чақираяпти.

Ўғлининг бақириб айтган бу гапи иш бўларига келганда «қулоқ боғини узди». Ичида ҳам нимадир чирт узилгандай бўлди.

Ўғлини суннат қилишда ошнасидан қарз олган эди. Ўшанга келдимикан?! Арғумоқ отнинг бошини нўхта қисса, киши бошини йўқлик қисади, деганлари чин экан...

Йўқ-йўқ, Жўра ферма қарзини сўраб келмапти!

Ҳашарга айтгани келибди.

Хайрият, хайрият!  
Ҳашарчилар Жўра ферманинг баланддан-баланд янги зинхонаси-

га ғўрагул ташлашди... Иморат қад кўтаргач, ҳода қўйиб чиқилади. Кейин васса терилади. Усти қамиш билан ёпилиб, кесиб-кесиб лой ташланади. Шу ташланган лой — ғўрагул дейилади.

Иш ёз кунидек қизиди. Ҳашар оши димоқларни қитиқлай бошлаган пайт эди. «Қарс» этган товуш ҳаммани тўхташга мажбур қилди. Пастда Чори муаллим оёғини ушлаб ётарди!

Ғўрагул ташлангач, ҳода қаерда, васса қаерда — билиб бўлмайди. Мўрт жой, қалтис жой қаер — билиш қийин бўлиб қолади.

Чори муаллим ўша мўрт, қалтис жойни билмай қолди...

тўхтаб-тўхтаб, амаллаб юришга ҳаракат қилди. Эчкини молбозорга кирмай туриб, кўчадаёқ сотишди. Яхши мол эди. Чори муаллим иши тез битганидан, тонг оқармай қайтаётганидан хурсанд. Ўғлининг мол бозорга энди келиши — ҳамма нарсага аланглаб қарайди. Мол бозорда қўй-қўчқор, сигир-хўкиздан тортиб, қуёну каптаргача сотишаркан. Анави қоп-қора буқани аввал на Чори муаллим, на ўғли кўришган. Ҳамманинг оғзи очилиб қолди. «Икки тонна келди-ёв, — ўйлади Чори муаллим. — Шундай хўкизинг бўлса...».

Буқага анграйиб, ўғлининг катта йўлга чиқиб кетганини кўрма-

рўзгорга қараш оғир. Ўғлини-ку айтмаса ҳам бўлади. Чори муаллимга алам қиладигани ҳаммасини кўриб, билиб туриб, қўлидан ҳеч нарса келмаётгани эди. Нимага иши юришмай, кулфат аримай қолди? Қаерда қадамини ўйламай босди? Қачон луқмасига ҳаром аралашди? Ё булар бари Худойимнинг бир синовини?!

Қарзини нима қилди? Эчкининг пули, уйдаги бор пул даволанишга кетди. Хотини акаларидан қарз олиб кепти. Ҳали уларниям узиш керак. Жўра фермаям тушунар, эшитгандир бу кўрғиликни... Лекин одам деб қарз берди, энди одамдай узиш керак...

муаллимнинг қўлидаги китобга қаради. Иршайиб, ҳовлига кўз югуртирди.

Ҳовлида боғлиқ турган итнинг хуриши Чори муаллимни ўзига келтирди:

— А?... Хўп-хўп... Ҳозир... майли.

Аёлини чақирди. Аёли кеча акаларидан олиб келган пулни чиқариб берди.

Бу пул олган қарзининг ярмига ҳам чиқмас эди.

— Қолганини ҳам етказаман, — деди Чори муаллим.

Чори муаллим кўкка боқди. Хаёлланди. Қўлидаги китобга қаради: «Луқмони Ҳаким дейдилар: темирни, тошни кўтариб кўрдим, бироқ қарздан кўра оғирроқ нарсани кўтармадим».

Эй, ошна, сени кўришгача, пулимга келдим демайсанми? Мен дўстим жон куйдираяпти, қайғураяпти, деб ўйлабман. Ошна, калтак этдан ўтади, сўз суяқдан ўтади, суяқдан!

...Тонгга яқин кўзи илинди. Туш кўрибди. Нотаниш одам гурунги бераётганмиш:

— Шу десангиз, отам билан сизнинг отангиз яқин дўст бўлишган. Отангиз бизнига кўп келарди. Нима бўлди-ю, отамнинг ишлари орқасига кетди. Бугдой нон арпа нонга, арпа нон жўхори нонга алмашди. Кейин шулар ҳам топилмай қолди. Бунинг устига, онам бетоб бўлиб қолди. Дорига пул йўқ. Отам бир тийинга зор пайтида ҳам бировдан ёрдам сўрамасди. Бир куни тонгда дори топиб келишга чоғланди. Отангиз келди. Биз, отамиз дорига кетган, дедик. Отам қуруқ қайтди. Шунда отангиз, ҳа Холматбой, эшик-дарвозаларни ёпиб қўядиган бўлсиз, деди. Кечга яқин бир ғунажинни етаклаб келиб, оғилга боғлаб кетдилар.

Ўғлини уйлантираётганда тўяна қаларсан!..

Онамни даволатдик. Бизниям тандирда яна нон қилинадиган бўлди, нон! Орадан шунча вақт ўтди. Отам ўлимидан олдин ҳам бот-бот тайинлади: бўйнимда қарз қолмасин. Шу кунга буюрган экан...

Аёли уйғотди:

— Турсин, кимдир сўраб кепти.

— Ким экан?!

Ногоҳ кўрган тушини эслади. Нахотки?! Каромати бу?! Тушда бўлажак нарсаларни ҳам кўрса бўларкан. Нахотки, тушида кўрганлари рост бўлса?! Ҳей, тушга нималар кирмайди. Ҳозир ким ҳам ўзидан ортарди. Бирортаси иш билан келгандир-да.

Елкасига чопонини илиб, ташқарига чиқди. Чин, ким экан ўзи?!

Сунбула қуёши терак бўйи бўлди. Афтидан, кун илиқ бўлади-ёв.



Чори муаллим кечалари билан ухлолмай чиқди. Совуқ бир нуқтада-оёғида тўпланиб, азоб берарди.

Дард курсин, дард! Дард ботмонлаб келиб, мисқоллаб чиқаркан. Оёғи ҳам синган эмиш, ҳам чиққан эмиш, буям камдай суяги ҳам ёрилган эмиш.

Оёғи қақшаб оғриди. Ухлай олмай кўзлари киртайиб, қовоқлари салқиб қолди. Чори муаллимни бунданам қийнаётган нарса бошқа эди: ҚАРЗ. Нима қилса экан? Анави эчкини сотсамми?! Арзимаган пул бўлади. Семиз қўй-қўчқорлар — бари тўйга кетди. Бор, майли, эчки сотаман десаём, ким сотиб келарди?! Ўзининг аҳволи бу бўлса...

Жиянига борганди, ошнам уйланыяпти, ош беради, тонгдан хизматга бормасам бўлмайди, деди. Қолган жиянлари ҳали йиғлаб нонини емайдиган хилидан... Тонгда ҳали мулла Эргаш обдастани ердан кўтармай ўғлини уйғотди.

— Отам, тур, молбозорга бориб келамиз.

Ўғли эчки еталади. Чори муаллим оёғи гипс, қўлтиғида суянчик,

ди. Катта йўлда бели оғриб пул топмаган, пешонаси қора тер кўрмаган олифта машинасини орқа-олдига қарамай, учуриб келарди. Чори муаллим ўғлига чеккага чиқ, демоқчи бўлиб олдинга интилди. Гапи оғзида қолди. Қип-қизил машина ўғлини қип-қизил қонга бўяди. Чори муаллим қўлтиқтаёғини ҳам унутиб, ўғли томон чопмоқчи бўлди. Аммо... «синган, чиққан, суяги ёрилган» оёғи қайрилиб кетди-ю, мувозанатини йўқотди. Кўз олди қоронғулашиб, теграсида айланаётган одамларни ва уларнинг шовқинини бир муддат англагандай бўлди, бироздан сўнг барчаси тубсиз, қоп-қоронғу жарга қулагандай ғойиб бўлди: А-а-а-а...

Атрофдагилар шовқини шундай эшитилдими ё ўзи бақирдимми, биллмади... Ўзига келиб, ўғли тириклигини эшитди. Кўзида ёш қалқди. Киприкларидан сизиб, ажин ҳукмини ўтказётган юзини ювди.

«Шукр, ўзига шукр».

Энг қийини аёлига бўлди. Ҳам эрига, ҳам

Хотин зотини нолишга яратган:

— Ошнангиз Жўра ферма бир мартаям келмади-я, шу ўликми, тирикми деб. Ўшани ҳашари деб майиб бўлдингиз. Одаммасакан ўша ошнайиз...

Бир куни... ия, ия, Жўра ферма! Чори муаллим хотиржам тортиди: ошнаси кўргани келибди!

— Ҳа, ишқилиб яшаш қандай, — сўради Жўра ферма.

— Бир нави. Кун ўтиб турибди.

— Даволаниш ҳам текинга бўлмайди. Бу ёқда рўзгор. Пул-мулинг борми, бўлмаса бериб кетай.

Чори муаллим ич-ичидан суюнди. Аҳволимни тушунибди, яна... ёрдам бергиси ҳам келаяпти.

— Йўқ-йўқ, пул бор... Бор.

— Айтавер, пул ташлаб кетай.

— Айтдим-ку, бор деб.

— Бўлмаса, бояги... қарзингни берасанми, ҳалиги... машина олаётувдим.

Чори муаллим илқис бошини кўтариб қаради. Худди биров бошига тўқмоқ билан ургандай бўлди. Жўра ферма илжайиб, Чори муаллимга қаради. Тиржайиб, Чори



## Кураш



Спортчиларимиз жаҳон ареналарида ҳақиқий алплар авлоди эканликларини намойиш этишмоқда. Яқинда улар Ўзбекистон Президенти соврини учун Францияда ўтказилган ўзбек кураши бўйича халқаро турнирда иштирок этиб, ўз маҳоратлари билан дунёни яна бир марта лол қолдирдилар.

## Алплар авлодига дунё лол

— Републикаимиз шарафи учун майдонга тушган полвонларимиз рақибларини бирма-бир енгиб, голиблик шохсупасига кўтарилдилар, — дейди Қарши педагогика коллежининг жисмоний тарбия ўқитувчиси, кураш бўйича халқаро тоифадаги ҳакам Эрали Юсупов. — Вилютимиз вакиллари Шерали Жўраев (91 кг.), Баҳром Авазов (90 кг.), сурхондарёлик машҳур полвон Абдулла Тангриев (100 кг.), самарқандлик Сухроб

Худойбердиев (73 кг.)лар олтин медал соҳибига айланишди.

Ғузорлик Шерали Жўраев — халқаро тоифадаги спорт устаси. Икки марта жаҳон чемпиони. Мақсади — доим биринчи бўлиш.

Қашқадарёнинг яна бир истеъдодли курашчиси, чироқчилик Зафар Бўриев ҳам ушбу халқаро турнирда муваффақиятли қатнашиб, 81 кг. вазнда учинчи ўринга муносиб топилди.

Иззат ҲИҚМАТОВ

## Оғир атлетика

## Штангачи қиз

Қизлар орасида оғир атлетика билан шуғулланувчилар кўп эмас. Бу — тушунарли. Ҳар ҳолда оғир юкни ердан узиб олиш осонмас. Ҳозирги пайтда Муборак тиббиёт коллежида таълим олаётган Зилола Бўриева спортнинг ана шу машаққатли турини таълади.

Зилола Қамаш туманидаги Ўртепа қишлоғида камол топган. Отаси Тоҳир Пармонов қурилиш коллежида жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Тажрибали муаллим қизининг қизиқишини ҳисобга олиб, барча шароитларни яратиб берди.

— Ёшлигимдан штанга кўтариш билан шуғулланаман, — дейди қишлоқ қизи фахр билан. — Дастлаб қийинчиликларга дуч келдим. Аммо танлаган йўлимдан қайтмадим. Бугунги кунда спортчи қизнинг ютуқлари республикаимиз ва хорижий мамлакатларда ҳам эътироф этилмоқда. У оғир атлетика бўйича хотин-қизлардан ташкил топган Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси ҳисобланади.

Жорий йилнинг сентябр ойида Иорданияда ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 53 кг. вазнда биринчи ўринни кўлга киритди.

Туркиянинг Анталия шаҳрида ташкил-лаштирилган жаҳон чемпионатида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринни эгаллади.

— Эндиги мақсадим — Лондонда ўтказиладиган олимпиадада қатнашиш, — дейди Зилола. — Бунинг учун махсус дастур асосида ўз устимда ишлаб, маҳоратимни ошириб бораёман.

Оғир атлетика бўйича хотин-қизлар ўртасида Осиё чемпионлигини кўлга киритган З.Бўриева Тўмарис, Барчиной каби аждодларимиз авлоди эканини амалда исботламоқда.

И. ИСОМИДДИНОВ

## Жаҳон чемпионати сари йўл

Ўзбекистон Кўзи оғирлар спорт Федерацияси томонидан 26 октябрь — 1 ноябр кунлари Республика шахмат биринчилиги ўтказилди.

Мусобақада республикаимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари ақл машқини қай даражада эгаллаганликларини намойиш этишди. Мусобақа кўтаринки кайфиятда ўтди ва унда қуйидаги спортчилар фахрли ўринларни эгаллашди:


1-ўрин — Қуролбек Жаҳонов (Қорақалпоғистон)

2-ўрин — Амирулло Абдуллаев (Андижон)

3-ўрин — Набижон Абзаров (Фарғона)

Мусобақа голиблари 2011 йил апрелда Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро Кўзи оғирлар Ассоциациясининг Жаҳон чемпионатида йўлланма олишди.

Саид ВАЛИЕВ,  
спорт фахрийси



Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Шўрчи туман кўмитаси тиббиёт ходимлари ўртасида шахмат мусобақаси ўтказди.

## Ақл чархи

Эркаклар ўртасида ўтказилган ақл машқи мусобақасида кўп тармоқли катталар поликлиникаси вакиллари Файзулла Муҳаммадиев биринчи, Охунбобоев номли ҚВП мудири Тўйчи Жангриев иккинчи, Физиотерапия бўлими фелдшери Мамаражаб Яхшиқуров учинчи ўринларни эгаллашди.

Аёллар ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда

статистика бўлими ҳамшираси Озода Алиёрова, катталар поликлиникаси ҳамшираси Гулнора Бекназарова ҳамда ҳамшира Рўзихол Мирзановаларнинг кўли баланд келди.

Голиблар касаба уюшмаларининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишди.

Рустам ДАВЛАТОВ,  
«Ishonch» мухбири

## Футбол

## Майдонда — олимлар



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма кўмитаси илмий ходимлар, профессорлар, академиклар, ёш олимлар ва ишчи-ходимларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб этиш, саломатликларини мустаҳкамлаш ҳамда Фанлар академиясида ёшлар ва фахрийлар терма жамоаларини шакллантириш мақсадида Мустақилликнинг 19 йиллиги ҳамда Конституциямиз қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишлаб мени футбол, волейбол, стол теннис (аёллар ва эркаклар) бўйича «Академида — 2010» мусобақаларини ташкил этди.

Мазкур мусобақада 300 дан зиёд иштирокчи голиблик учун баҳс олиб боришди. Яқиний натижаларга кўра, волейбол бўйича биринчи ўринни Математика ва информацион технологиялар институти кўлга киритган бўлса, иккинчи ўринга Академик С. Юнусов номидаги ўсимлик моддалари кимёси институти лойиқ топилди. Учунчи ўрин эса Ядро физикаси институти жамоаси вакилларига насиб этди.

Стол теннис баҳслари ҳам бири-бирдан қизиқарли тус олди. Унда эркаклар жамоалари баҳсида Математика ва информацион технологиялар институти (Д. Абдурахмонов), Ўсимлик моддалари кимёси институти (Р. Курязов), «Фидо-Бизнес» МЧЖ (Х. Мирзаев) жамоалари, аёллар ўртасидаги беллашувда Электроника институти (Д. Файзуллаева), «Фидо-Бизнес» МЧЖ

(Н. Соловёва), Полимерлар кимёси ва физикаси институти (Г. Искандарова) жамоалари кучли учликни ташкил этишди.

Мини футбол беллашувлари ҳам қизиқарли ва кескин курашларга бой бўлди. Унда учинчи ўринга тарих институти жамоаси вакиллари лойиқ топилган бўлса, финалда Ядро физикаси институти ҳамда «Фидо-Бизнес» жамоалари тўқнаш келишди. Яқинда эса ҳисоб Ядро физикаси институти жамоаси фойдасига 6:1 кўринишини олди.

Мусобақа якунида иштирокчилар Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар ҳамда медаллар билан тақдирланишди.

Нарзулла МАХАМОВ,  
«Ishonch» мухбири

Жорий йилнинг 16-24 октябрь кунлари Аргентинада ампутантлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтганлиги, унда Ўзбекистон терма жамоаси шохсупанинг энг юқорисидан жой олганидан хабарингиз бор, албатта.

## Йигитнинг сўзи қасам

Миллий Паралимпия Ассоциацияси таркибидаги ампутант футболчилар терма жамоасининг бош мураббийи Рустам Қориев билан кечган суҳбатимиз юртимизга ёруғ юз билан қайтган спортчиларимизнинг жасорати ва ғалабаси ҳақидадир.

— Аввало, жамоа ҳақида: йигитларнинг кўлга киритган ғалабаси, шак-шубҳасиз футболчиларимизнинг кўп йиллик орзуси. Муваффақиятга бетиним олиб борилган машғулотлардан ташқари, яна қандай омил сабаб бўлди, деб ўйлайсиз? — Жамоамиз 1988 йилда ташкил этилган бўлиб, унга ҳаракати чекланган йигитлар танлаб олинган. Биз бир неча марта Европа мамлакатларида ўтказилган очиқ чемпионатларда иштирок этдик. Бир қанча ютуқларни кўлга киритиб, беш карра жаҳон чемпиони, икки марта МДХ давлатларида ва Россия очиқ чемпионатла-

рида ғалаба нашидасини сурдик. Спортчиларимиз маълумотли ва маҳоратли йигитлар. Илгари ногиронлар Жисмоний тарбия институтига қабул қилинмасди. Ҳозир икки нафар спортчимиз айнан шу институтнинг талабаси. Бу — ёшларга берилаётган имкониятларнинг бир кўринишидир. Ғалаба эса, нафақат, пухта тайёргарлик, балки спортчиларимизнинг масъулиятни яхши ҳис этганлиги натижасидир. Сабаби, ҳеч ким мусобақага ютқазамиз, деб бормайди, шу жумладан, биз ҳам. Кетишдан олдин, албатта, илгарига голибликни сақлаб қоламиз, деб ният қилгандик. Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада эришганимиз — илк ғалаба тасодифий эмаслигини исботлай олганимиздан жуда хурсандман.

— Мусобақада дунёнинг қарийб, йигирмага яқин давлатидан жамоалар иштирок этди. Улар-

дан қайсилари сиз учун муносиб рақиб бўла олди?

— Дарҳақиқат, кучли жамоалар кўп бўлиб, жумладан, Россия, Англия, Япония терма жамоалари яхши тайёргарлик кўрган йигитлардан ташкил топганди. Илк босқичда Бразилияни 1:0 ҳисобида мағлуб этдик, эронликлар билан эса дуранг қайд этилди — 0:0. Иккинчи босқичда анчагина кучли жамоалар билан юзлашган бўлса-да, Англияни 6:1, бразилияликларни 4:2 ҳисобида ютдик, руслар билан 3:3 ҳисобида дуранг ўйнадик ва ниҳоят, туркияликларни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдик.

Ўзбекистон номини жаҳон спорт майдонлари узра ёйиб, халқ ва юрт обрўйи, Ватан мадҳи учун бел боғлаган бу азамат йигитларнинг ниятлари улуг.

Наргиза АСАДОВА  
суҳбатлашди

## Халқаро почта хизмати тўхтатилди



3 ноябр куни Грецияда халқаро почта хизматининг тўхтатилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Қарор 48 соат давомида амал қилади. Бу вақт ичида ҳукумат раҳбарлари номига жўнатилган барча почталар хавфли предметлар юзасидан текширувдан ўтказилади.

шундай қарор қабул қилинишига сабаб бўлди. Маълум бўлишича, Ангела Меркел номига юборилган почтада жўнатувчи сифатида Греция

қатор хорижий давлатлар элчихоналарига ҳам юборилган. Айни пайтда мамлакатдаги барча курьер хизмати фирмалари ва аэропортларда текширув олиб борилмоқда.

иқтисодиёт вазирининг номи кўрсатилган. Дастлабки маълумотларга қараганда, бомбалар мушакбозлик жиҳозлари учун ишлатиладиган моддадан тайёрланган.

Тахминларга кўра, бомбалар Греция радикал ҳаракати тарафдорлари томонидан юборилган. Мамлакат полицияси айбдорликда гумон қилинаётган 5 киши устидан суриштирув ишларини бошлади.

Бир қатор Европа мамлакатлари раҳбарлари — Франция президенти Н.Саркози, ГФР канцлери Ангела Меркел ҳамда Италия бош вазир Силвио Берлускони номига юборилган бомбали жўнатмалар мамлакатда

Бундан ташқари, хавфли жўнатмалар Афинадаги бир

Хитойда таркибида сибутрамин моддаси бўлган, озишга ёрдам берувчи дори сотуви тўхтатилди. Ушбу воситанинг организмда инфаркт ва инсульт келтириб чиқариши эҳтимоли юқори эканлиги ҳақидаги маълумотларга асосланиб, мамлакат фармацевтика назорати бошқармаси шундай қарор қабул қилди.

## Фалокатнинг олди олинди

Аввалроқ, шу йилнинг октябр ойида АҚШнинг «Abbott Laboratories» фармацевтика компанияси мамлакат дори воситалари ва маҳсулотлар бошқармаси қарори билан шундай восита ишлаб чиқарилишини тўхтатган эди. Январ ойида эса Европа дори воситалари агентлиги (EMA) бу доридан умуман фойдаланмасликни тавсия қилди.

Маълумотларга қараганда, сибутрамин Хитой бозорларида 2000 йилда пайдо бўлган. Ҳозирги кунгача 15 дан ортиқ йирик фармацевтик компания таркибида мазкур модда бўлган турли дориларни ишлаб чиқарган. Улардан бири — «Taiji Group» компанияси ўзининг шундай турдаги «Qumei» воситаси ишлаб чиқарилишини ихтиёрий равишда тўхтатди. Хитой фармацевтика ассоциацияси бош котиби Ху Иннинг сўзларига қараганда, озишга ёрдам берувчи бундай воситалар доришунослик саноятининг нозик нуқтасидир ва бу борадаги назорат чоралари кучайтирилиши лозим.



дан фақат бир киши ишга қабул қилинади. Янги ходим пиццахоналар тармоғида фақат бир ой — 2010 йилнинг декабр ойида фалокат юритади.

Японияда ўртача иш ҳақи соатига 12 АҚШ долларини ташкил қилади. Мамлакатнинг баъзи фуқаролари компаниянинг ушбу акциясини нотўғри деб ҳисобламоқда. Уларнинг фикрича, компания аввало доимий ходимларининг маошини ошириши лозим.

Австралиянинг Трандл шаҳарчасида ҳафтасига бир доллар эвазига йилар ижарага берилади.

## Ижара ҳақи бир доллар



Трандл Сиднейдан 215 километр масофадаги Янги Жанубий Уэлс штатида жойлашган. Ушбу штат Австралиядаги энг аҳолиси кўп жой ҳисобланса-да, у ерда тахминан 400 минг киши истиқомат қилади.

Қурғоқчилик ва ҳосилдорликнинг пасайиб кетиши туфайли кейинги бир неча йил мобайнида шаҳарчада аҳоли сони кескин камайиб кетган. Шаҳарча маъмурияти вакилларининг фикрича, жуда ҳам оз ижара пули (деярли текин) кўпчилик йирик шаҳарлар аҳолисининг диққатини жалб қилади ва шаҳарча аҳолисининг кўпайишига сабаб бўлади.


Интернет хабарлари асосида Ж. ЮНУСОВ тайёрлади

## Соатига 31 000 доллар маош!

Япониядаги «Domino's» пиццахоналар тармоғи маоши соатига 2,5 миллион иен (тахминан 31 минг АҚШ доллари) бўлган иш ўрнига танлов эълон қилди.

Бу «Domino's» компаниясининг Япониядаги илк пиццахонаси очилишининг

25 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган реклама акцияси бўлиб, унда маълумоти ва иш тажрибасидан қатъи назар, ёши 18 дан юқори бўлган хоҳлаган киши қатнашиши мумкин. Талабгорлар компания сайтида махсус сўровномани тўлдириши керак. Кейин эса муносиб деб топилган номзодлар суҳбатга чақирилади ва улар



АҚШда 87 яшар пиёдани велосипедда туртиб юборган олти ёшли қизча суд қилинмоқда.

## 6 ёшли судланувчи

Воқеа 2009 йилнинг апрел ойида юз берган. Айбдор Жулёт Брейтман эса ўша пайтда бор-йўғи тўрт ёшда бўлган. Маълум бўлишича, у ўртоғи — тўрт яшар Жейкоб Кон билан велосипедда учаётиб, 87 ёшли Клэр Менаг исмли аёлни уриб юборган. Оқибатда аёлнинг сон суяги синиб, операция қилинган. Орадан уч ой ўтгач, Менаг вафот этган.

Брейтманнинг адвокатлари айбланувчининг ёшини ҳисобга олиб, ишни тўхтатишни талаб қилишмоқда. Шунингдек, ҳуқуқшуносларнинг қайд этишича, қизчага бевосита айблов эълон қилиш нотўғри, чунки у воқеа пайтида онаси ҳамроҳлигида бўлган.

Аммо судянинг қарорига кўра, «Онасининг яқин масофада бўлиши ҳеч кимга аҳмоқона ҳаракатлар қилиш ҳуқуқини бермайди». Бундан ташқари, Жулёт ҳаракатининг оқибатини тушунишга қодир ёшда бўлган. Шу сабабларга кўра суд Брейтман ишини давом эттиришга қарор қилган.

Айбланувчи ва унинг оиласига қандай жазо берилиши мумкинлиги ҳақида хабарлар йўқ. Тахминларга қараганда, суд айбланувчининг оиласига жарима тўлаш ҳақида қарор чиқариши мумкин.



## «Алло, сизни космосдан сўрашяпти»

Россия фазо тадқиқотлари ташкилоти (Роскосмос) ёш космонавтика ишқибозлари ўртасида «Орбитадан кўнғироқ» танлови ўтказилишини эълон қилди.

Танлов ғолиби Халқаро космик станциядаги фазогирлардан бири билан мулоқот қилиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Конкурсда иштирок этиш учун бола орбитадагилар номига мактуб ёзиши ҳамда уни goscocos2010@rambler.ru адресига юбориши лозим. Мактубда қатнашчининг исми, ёши ва телефон рақами кўрсатилиши шарт. Энг яхши мактуб муаллифи фазогирлар орбитадан тўғридан-тўғри кўнғироқ қилишади.



Конкурс фазо тадқиқотлари ташкилотининг матбуот хизмати томонидан «ХКС почта қутиси» номли акция доирасида ташкил қилинди. Акция Юрий Гагарин парвозининг 50 йиллигига бағишланади.

## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «O'zbekiston sanoat-qurilish banki» ОАТБнинг 08.10.2010 йилдаги 07/1-43/7880-сонли хатига ва «O'zbekiston sanoat-qurilish banki» ОАТБ Сергели филиалининг 28.10.2010 йилдаги 391-сонли буйруғига асосан банкнинг Сергели филиалига тегишли бўлган Тошкент шаҳар Проектная кўчаси, Г-38-уй манзилда сақланаётган «Ваз-2106» русумли, д/р 01 147 ВВА бўлган, 2000 йил и/ч автотранспорт воситаси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 3 908 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 6 декабр куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2010 йил 6 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 9 ва 16 декабр кунлари соат 10.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй, Тел: 228-79-52.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё sanoати ва геология ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Андижон вилоятидаги вакилиги жамоаси «Андижоннефт» ОАЖ касба уюшма кўмитаси раиси

**Қобилжон КОДИРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



Ошқовоқдан санъат асари яратиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

## Тадбир

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 27-умумтаълим мактабида «Она тилим — жоним тилим» деб номланган концерт дастури бўлиб ўтди.

## Тил байрами

— Тадбирга бир ой мобайнида тайёргарлик кўрдик, — дейди мактаб директори Евгения Зоирова.

Айниқса, Камола Одилова ҳамда Лола Толипова сингари ўқувчилар томонидан ифодали ўқилган рубоий ҳамда ғазаллар барчада илиқ таасурот қолдирди. Тадбирда давлат тилининг қабул қилиниши тарихидан кўплаб лавҳалар келтирилди. Шунингдек, Алишер Навоийнинг «Хамса» ва «Лисон ут-тайр» асарларидан сахна кўринишлари ижро этилди.

— Ўқувчиларимиз она тилимиз ҳамда анъаналаримизга бўлган меҳр-муҳаббатларини намойиш этишди, — дейди ўзбек тили ўқитувчиси Нигора Эркинова.

Ўз мухбиримиз

Яқинда Тошкентга хизмат сафари билан бориб, қайтишда автобуснинг жўнашига бироз вақт борлигидан фойдаланиб қизим билан «Чилонзор» буюм бозорини бироз айланмоқчи бўлдик. Бошу адоғи кўринмайдиغان расталарни айланиб, кўзим гижими бахмалга тушди. Кўрпа, ёки сарполик учун керакли мато. Ўзим бир кесимининг нархи 114 минг сўм экан. Афсуски, ёнимизда бунча пул йўқ эди. Бир бахмалга, бир қизимга қарайман: «Бизга айнан шунақаси керак эди-да, эсиз...»

Шу пайт, суҳбатимизни қузатиб турган эканми, каттароқ

## Дунёни ушлаб турган куч

ёшдаги сотувчи яқин келиб, қайси воҳаданлигимизни суриштирди. Биз қарийб 500 км.лик масофа — Нурота туманининг чўл қисмидан эканимизни билдирдик. Шунда сотувчи: «Майли, агар тезроқ етказишга ваъда қилсангизлар, пулнинг қолганини қарзга бериб тура қоламиз. Дўконимиз рақами ўттиз тўрттинчи, исмим Равшан. Ёдингиздан чикмасин», деди.

Бироз истиҳола билан туриб қолдим. Ҳазилакам қий-

мат эмаслиги боис сотувчидан «Бизни танимасангиз, синашта бўлмаган харидорга молни ушлатиб юбориш таваккалчилик эмасми?», деб сўрашга журъат қилдим. У киши бўлса: «Офтобнинг тафтига қара, одамнинг афтига қара, дейишган экан машойихлар. Бир-биримизга ишонмасак, одамгарчилигимиз қаерда қолади», деди.

Ҳафта ўтиб, қарзни эгасига етказдирдим. Бу инсонда-

ги кўнгли кенглик, мурувватлилик менга қаттиқ таъсир қилди. Ахир, арзимаган чаканинг устида жиққамушт бўладиган молпарастлар кам дейсизми? Дунёни ушлаб турган куч яхши одамларнинг эзгу амалларидан яралганига ишонч ҳосил қилдим.

**Саломатхон ҲАЙДАРОВА,**  
Навоий вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси молия бўлими етакчи мутахассиси

### Яхшилар бор бўлсин!

## «Қодирий билан ҳамсуҳбат бўлганмиз...»

Ўзбекистон халқ рассомлари Лутфулла Абдуллаев, Ҳикмат Раҳмонов, Малик Набиев билан чорак асрдан кўп ҳамсуҳбат бўлганман. Гап Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат ёки Усмон Носир ҳақида борганда ўзлари гувоҳ бўлган воқеаларни галла-галдан, жўшиб гапиришарди. Бу уч рассом бир вақтда Тошкент бадий билим юртида ўқишган, бирга ижод қилишган.

Малик Набиев ҳам ижод, ҳам ўқишни давом эттириб, тасвирий санъатда профессорлик даражасига эришган бўлса, Лутфулла Абдуллаев ва Ҳикмат Раҳмонов билим юртини битиргач, ўз ижоди билан санъатимизга муносиб ҳисса қўшган.

— Талабалик йилларимда «Муштум» журналида ҳажвий асарларим билан қатнашардим. Адабиёт ва санъат бўлимини бошқариб турган Абдулла Қодирий (Жулқунбой) яхши кутиб олиб, топшириқ берар, ўша замон иллатлари, айниқса, бангилик ҳақида кулгули расмлар чизардим. Абдулла Қодирий ҳажвий расмларимни кўриб, «боплабсиз-ку!» деб мактарди, — ҳикоя қиларди Малик Набиев.

Бир чеккада хаёл суриб турган, синчков мусаввир Ҳикмат Раҳмонов гапни вазмин давом эттирарди:

— Жулқунбой 1926 йили «Ўткан кунлар» романини ёзиб, китобхонни

ўзига жалб этиб кўйганида ўн икки ёшли ўқувчи эдим, одамлар чойхонага мени чақириб, кечаси алламаҳалгача «Ўткан кунлар»ни ўқитишарди. Овозим балинд, худди актёрларга ўхшаб ўқирдим. Кейинчалик Самарқанд дарвоза яқинидаги мактабда расм тўғарагида машғулот олиб бораётганимда асар муаллифини яқинроқдан танидим...

Лутфулла Абдуллаев «Ўткан кунлар» фильми учун расмлар чизгани, Абдулла Қодирий билан узоқ суҳбатда бўлгани, Отабек ролини ўйнашнинг орзу қилгани ҳақида гапириб берарди. У «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» асарлари ҳақида ҳам расмлар чизиб, Абдулла Қодирий мукофотига сазовор бўлган.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**  
Ўзбекистон Бадий академияси, ижодкорлар уюшмасининг аъзоси

## Саришта бекаларга

Истеъмол қиладиган маҳсулотларимизни тўғри асрасак, ҳам жисмимиз, ҳам ҳамёнимиз учун кўпроқ фойда келтираемиз. Энг муҳими, озиқ маҳсулотларидан заҳарланишнинг олдини олган бўламиз.

## Рўзғорга керак

Нон ва нон маҳсулотларининг 10-12 соатдан кейин суви қочиб, таъми ўзгара бошлайди. Бунинг олдини олиш учун нонни сирланган маҳсулус идишда сақлаган маъқул. Бундай идишларни ҳафтасига камидан бир марта қайноқ сув билан ювиб, қуритиш керак. Нонни қоронғи, зах жойда, музлатгичда сақламаслик лозим. Чунки у нам тортиб, моғорлаб қолади.

Пишган сабзавот ва мевалар уй ҳароратида тез бузилади. Кулупнай, малина, помидор, кўкатлар 12-24 соатдан сўнг ирий бошлайди.

Сабзавот ва меваларни музлатгичда ювмасдан усти ёпиладиган идиш ёки целлофан пакетларда сақлаш тавсия этилади.

Резавор мевалар ва ошқўқлар музлатгичда 24-28 соатдан ортиқ сақланиши ярамайди.

Уруғли мевалар (олма, нок ва бошқа) ни сабзавотлардан алоҳида сақлаган маъқул. Чунки улар ҳидни ўзига тез олади ва таъми бузилади. Уларни доим тоза ҳаво кириб турадиган жойларда сақлаш керак.

Дилором МУСАЕВА тайёрлади.



oliy baxt

МУАССИС:

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир:  
Абдуҳолик  
АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Алла Долженкова,

Анвар Юнусов,

Довуд Мадиев

(Бош муҳаррир ўринбосари),

Жаҳонгир Шарофбоев

(масъул котиб),

Маъмура Адилова,

Нормамат Аллаёров,

Носирхон Акбаров, Ойсулуп

Нафасова, Пиримқул

Қодиров, Соғиндиқ

Ниетуллаев,

Шамси Эсонбоев

Бизга кўнгирак қилинг:

Котибият: 256-52-78

Хатлар бўлими: 256-85-43

Вилоят мухбирлари:

Андижон + 99897 465 05 68;

Бухоро + 99893 653 50 81;

Жиззах + 99872 360 00 10;

Навоий + 99893 725 46 40;

Самарқанд + 99866 933 25 04;

Сурхондарё + 99897 458 05 07;

Фарғона + 99891 679 32 79;

Қашқадарё + 99897 414 30 78

Қорақалпоғистон Республикаси

ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Мабуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерда терилди ва сақланди. Офсет усулида бошланди. Бичими А-3. Ҳажми 4 боёма табақ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,  
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.  
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорат аҳамиятига молик материаллар «D» белгиси остида чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб:

Ж.Шарофбоев

Навбатчи:

А.Абдуллаев

Мусаҳҳиҳ:

С.Шодиева

Саҳифаловчи-

дизайнер:

Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш

вакоти - 21.00

Топширилди - 21.15

Буюртма Г— 1051

Тиражи: 11004

ISSN 2010-5002

1 2 3 5